

XIII

Фридрик  
Шопен  
асарлари  
Ўзбекистонда




Музыка




Қосимжон СҮПИЕВ

ФРИДЕРИК  
ШОПЕН  
АСАРЛАРИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА



ШОПЕН

(1810 – 1849)



«NOSHIR» нашириёти  
Тошкент – 2008

## СЎЗБОШИ

Польша ва Узбекистон мамлакатларининг маданияти, илм, фан соҳасидаги ҳамкорликлари йилдан-йилга муваффақиятли ривожланмоқда.

Бу икки давлат ўргасидаги сиёсий ва маданий алоқалар Узбекистон мустақилликка эришгапидан сўнг ўзаро ишонч ва бир-бирини яхши тушуниш руҳиятида амалга оширилмоқда. Шунингдек, тараққиётга бўлган интилиш, яхши атъяналарни тарғиб этиш, инвесторлар томонидан турли қўшма корхоналарнинг очилаётгани ҳам фикримиз далилидир. Маданияти, ёътиқоди, урф-одатлари ўзгача бу юртларнинг тарихи ва анъаналарини ўрганишга бўлган қизиқиши ҳам бекиёсдир. Ҳар иккала давлат раҳбарлари ўз фуқаролари билимларини ошириш учун имкониятлар яратётгани ёътиборга моликдир. Польша ва Узбекистон ҳукуматлари доимий бир-бирларини қўллаб-кувватлашлари натижасида турли соҳаларда ҳамкорлигимиз кенгаймоқда. Бу икки давлатдаги институтлар, жамғармаларнинг ўзаро ҳамкорлиқда ўтказётган тадбирлари фикримизнинг далилидир.

Узбекистон ҳалқини Польша маданияти билан таништириш максадида турли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Польша фильмлари фестивали, Польша маданияти кунлари, театр ва спектаклари, рассомлар ва фото усталарининг кўргазмалари, шунингдек, Польша ва Узбекистонлик артистларнинг иштирокидаги концертлар буларга мисолидir. Бу ўринда илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқаларимизни алоҳида таъкидлаб ўтишини жоиз деб биламан. Бир неча йиллардан бўён Польша Фанлар Академияси Узбекистон Фанлар Академияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тарих ва археология илмий-текшириш институтларининг ўзаро ҳамкорлиқда олиб бораётган изланишлари жуда яхши натижага бермоқда.

Журналист Қосимжон Сўпниевнинг буюк поляк композитори Фридрих Шопен ҳақида ёзган рисоласи ўзаро маданий алоқаларимизнинг ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Даҳолар башарият фарзандлари саналадилар. Буюк композитор Шопен ҳам худди ана шундай башарият фарзандларидан биридир. Мен бу китобнинг қўлёзмаси билан танишиб чиқар эканман, Шарқда, Осиёда буюк композитор ижодига шунчалар кўп мурожаат этилишини кўриб ҳайратландим. Шопен танловларида қатнашган Узбекистонлик пианиночилар билан сиз, ушбу китобни варақлаб танишиб бораисиз. 2010 йил Фридрих Шопен туғилганига 200 йил тўлиши муносабати билан Шопен йили деб эълон қилинди. Бу буюк композиторга берилган эҳтиромдир.

Польша Республикасининг Узбекистондаги элчиси вазифасини бажарувчиси – Ежси СТАНКЕВИЧ

Польша Европа мамлакатлари орасида ўз тарихи, маданияти билан ажralиб туради. Бир томони Болтиқ соҳиллари, бир томони Татара тогларига туташ бу давлатдаги қадимиҳи ҳунарманд усталар, меъморлар бунёд этган ажойиб саройлар, қалъалар ўтмишнинг жуда кўп воқеа-ҳодисаларига гувоҳ бўлишган.

Неча-неча табиий оғатлар, урушлар туфайли вайронага айланган бу обидалар меҳнаткаш ҳалқининг бунёдкорлиги туфайли қайта тикланди.

Иккинчи жаҳон урушида 85 фоизи вайрон бўлган Варшава шахри қайта тикланиб, 1980 йили ЮНЕСКО томонидан дунё ҳалқлари маданиятининг нодир мероси сифатида рўйхатга олинди.

Қадимиҳи афсоналарда айтилишича, Висла дарёси соҳилларида довюрак балиқчи Ворсе ўз рафиқаси Саве билан яшаган экан. Шаҳарномининг қўлига қилич ва қалқон тутган аёл рамзи билан боғлиқлигини юқоридаги афсона билан боғлайдилар. Яна бир афсонада Варшава номи Варш сўздан олипган бўлиб, бундан бир неча асрлар муқаддам Висла дарёси соҳилларида яшаган Равичей уруги авлодларининг номидан олинган дейилади.

Шаҳар тимсолидаги бир қўлида қилич ва бир қўлида қалқон тутган ярми инсон, ярми балиқ қиёғасидаги тимсол дастлаб эркак рамзида бўлиб, кейинчалик аёл рамзи билан алмаштирилган. XVI асрга келиб, Варшава шахри айнан шу тимсол билан ифодаланган.

Шаҳарнинг илк барпо этилиши ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса ҳам, XIV асрга келиб, князликларнинг марказлашган шаҳрига айлангани маълум. 1413 йилга келиб, князъ Януш томонидан Варшава шаҳар сифатида расман тасдиқланган.

Бугунги кунда Варшава Польша мамлакатининг юраги ҳисобланади. Давлатнинг маъмурий идоралари Варшава шаҳрида жойлашган.

Поляк ҳалқидан дунёга машҳур кўплаб шахслар етишиб чиққан. Шулардан бири композитор Фридрих Шопендир.

ISBN 978-9943-353-05-3

© Қосимжон Сўпниев  
© «Noshir» нашриёти, 2008 й.

## ПОЛЯК ХАЛҚИННИГ БҮОК КОМПОЗИТОРИ ФРИДЕРИК ШОПЕН (1810 – 1849) Болалик. Үсмирлик. Ёшилк.

Композиторнинг отаси – Николай Шопен француз эди. У Лотарингия вилоятининг Марэнвилл қишлоғида туғилганди. Билимга чанқоқ ёш, қобилятли болакай учун уша даврда маърифатли бўлиш жуда мушкул иш эди. Марэнвилл яқинидаги бир художўй помешчикнинг ер-мулкида бошқарувчи бўлиб хизмат қилган поляк Адам Вейдлих үспириннинг тақдирида муҳим роль ўйнади. Унинг ёрдамида, 16 ёшли Николай 1787 йилда Варшавага келиб, тамаки фабрикасида бир неча ийл ҳисобчи бўлиб ишлади.

Варшавага кўчуб келган Николай Шопен бутун ҳаёти ва тақдирини иккинчи Ватани бўлиб қолган Польша билан боғлади. Уша пайтда мамлакат энг оғир даврини бошидан кечираётганди. Польша мустақил давлат сифатида фаолият юритишдан тўхтаган, қадимги поляк ерлари чор Россияси, Пруссия ва Франция ўргасида тақсимлаб олинганди.

1794 йилда Польшанинг жасур ватанпарварлари Тадеуш Костюшко бошчилигига Она-юрт озодлиги учун курашга отландилар. Қўзғолончилар сафига Николай Шопен ҳам қўшилди. Гарчи бу қўзғолон феодал устунларини бузиб ташлашга қодир буюк халқ инқилоби даражасига кўтарилимаган бўлса-да, Польша тарихида муҳим роль ўйнади. У поляк инқилобчиларининг кейинти авлодларига, яъни XIX асрнинг биринчи ярмидаги миллий-озодлик ҳаракати иштирокчиларига илҳом бағишилади.

Қўзғолонда иштирок этиш Николай Шопенга кўплаб поляк ватанпарварлари билан мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатиш имконини берди. Мана шу ишончли маслақдошлар туфайли у ҳисобчилик касбини ташлаб, хорижий тиллардан дарс бериш имкониятига эга бўлди. Чунки лотарингиялик бу йигит фақат французчани эмас, немис тилини ҳам яхши би-


ларди. Шундан сўнг у бадавлат хонадон фарзандларига сабоқ бериш ва тарбиялаш мақсадида Лоңчинскийлар қўргонида истиқомат қила бошлади. 1802 йилда эса Варшава яқинидаги Желязова Воля қўргонига кўчиб ўтиб, бу ерда графиня Скрабек оиласида болалар муаллими сифатида фаолият юритди.

Графиня хонадонида уларнинг етим ва камбағал қариндоши Юстина Кжижановская истиқомат қиласида. Юстина ўзининг мансабдор ҳомийларига оғирлиги тушмаслиги учун оиласида иқтисодчи сифатида ҳам иш юритарди. Очиқ чехрали ва хушчақчақ бу қиз ҳамманинг эътиборини қозонганди. У жуда яхши таълим-тарбия олган бўлиб, француз тилини, роялада куй чалишни билар ва ёқимли овози ҳам бор эди. Айниқса, поляк халқ қўшиқлари унинг жони-дили эди, шунингдек, у уша пайтлари машҳур бўлган шаҳар романсларини кўйлашни ёқтиради.

1806 йилнинг июнида Николай Шопен ва Юстинанинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Вақт-соати етиб ёш оиласида тўнғич фарзанд – Людвика исмли қизалоқ туғилди. Уч йилдан сўнг эса Желязовава Воля қўргонидаги мұъжазгина уйда ўғил бола дунёга келди, унга Фридрик деб исм қўйдилар. Бу воқеа 1810 йил 22 февралда содир бўлди. Уша йилнинг куз фаслида пан Николай Шопен Варшава лицейида ўқитувчилик қила бошлади. Уларнинг оиласи давлатга қарашиб кенг хонадонга кўчиб ўтди.

Француз тили ўқитувчисининг маоши анча кам эди, бундан ташқари, бу мояна ҳар гал ҳам вақтида берилемасди. Оила аъзолари эса йилдан-йилга кўпайиб боришарди: орқама-кейин икки қизалоқ – Изабелла ва Эмилия туғилди. Бошқа педагоглардан намуна олиб, Шопен ҳам Варшавадан четроқда яшовчи ўзига тўқ оила фарзандлари учун пансион очди. Шопен хонадонидаги бу пансион кўпчилик ўртасида катта эътибор қозонди. Болалар бу ерда ўзларини оиласида оиласида катта эътибор қозонди. Болалар бу ерда ўзларини оиласида оиласида катта эътибор қозонди. Болалар бу ерда ўзларини оиласида оиласида катта эътибор қозонди. Болалар бу ерда ўзларини оиласида оиласида катта эътибор қозонди.

Кичкина Фридрикнинг мусиқага иштиёки жуда эрта намоён бўлди. Онаси маъюс қўшиқларни куйлаганда болакай аччиқ-аччиқ йиғлаб юборарди. Аксинча, Юстина тарбияланувчилар учун қувноқ рақсларни ижро этганида уч ёшли бола қувонганидан қарсак чаларди. Уша даврдан бизга битта ҳикоя етиб келган: ота-оналар тунда фавқулодда рояль овозини



Фридерик түгилгән хонадон.

Эшитиб қолишиади. Маълум булишича, уч ёшли Фридерик се-кин-аста мусиқа асбобига чиқиб олиб, куни кечап тинглаган рақс оҳангларини чала бошлайди. Боласининг шамоллаб қолишидан чўчиган онаси уни дарҳол қўлига олиб, тезлик билан ётоққа ётқизади. «Эҳ, ойижон, – дейди болакай, – ҳеч хафа бўлманг, сизни чарчагансиз деб ўрнингизни эгаллаган эдим...»

Бола тобора ўсиб, кичкина Моцарт сингари тез-тез рояль ёнига келар, оддий аккордларни тинглаб, ўзига таниши оҳангларни танлаб оларди. Ана шу мусиқа асбобида батъзи бир тарбияланувчиларнинг унча мушкул бўлмаган пьесалари ва машқларини ижро этарди. Кўп ўтмай Фридерик опаси Людвикадан мусиқа сирларини ўргана бошлади. Ана шу опа беш ёшли укасининг биринчи устози бўлди. Болакай тезда ноталарни таниб, Людвиканинг ўқитувчиси жаноб Живнийнинг унча қийин бўлмаган топшириқлари – машқлари ва пьесаларини опаси билан бирга такрорлай бошлади.

Мана шу хурматли зот болакайнинг мусиқа дарсларида юз берадиган воқеа-ходисаларга қизиқиши катта эканлиги ва эшитганларини рояль клавишларида жонлантиришга тириш-қоқлик билан ҳаракат қилишига эътиборини қаратди.


– Бу йигитчанинг мусиқа ўрганишига фурсат етди, – деди у жиддий оҳангда ота-онасига юзланиб.



Болакай қалбига мусиқанинг илоҳий сирларини жо этган черков.

Фридерик билан машғулот ўтказа бошлаганида Живнийнинг ёши етмишдан ошганди. У қувноқ, хушфөъл ва ҳазил-мутойибага иштиёқи кучли инсон эди. Гарчи фортепиано ижроси бўйича Варшавадаги ўқитувчилар ўртасида етакчи бўлмаса-да, мусиқа санъатига ўзининг жиҳдий муносабати билан ажralиб турарди. У шогирдларини салонларда ижро этиладиган енгилелли мусиқа асосида эмас, балки энг юқори савиядаги бадиий намуналар, жумладан, Моцарт ва Бетховен мусиқаси, айниқса, ўща пайтда деярли қўпчилик хабардор бўлмаган Бах асарлари руҳида тарбиялаганди.

Ёш шогирдининг композиторлик иқтидорига алоҳида эътибор берган Живний унга кичик-кичик пьесалар ёзиб бера бошлади. Етти ёшли Фридерик тантанали рақс-марш – полонез ёзди.



Шопен машҳур ля-бемоль мажор полонезининг биринчи такти.

Болакайнинг ижодий тажрибаси сифатида бу пъеса нашр этилди. Мазкур газетадаги мақолада бу пъесанини муаллифи «француз тили ва адабиётининг профессори Николай Шопеннинг ўғли ҳақиқий мусиқа даҳоси» эканлиги хабар қилинганди.

Кўп ўтмай Радзивиллов саройида саккиз ёшли пианиночи-нинг муҳлислар ўртасидаги биринчи концерти намойиш этилди. Болакай чех композитори Йировицнинг техник жиҳатдан мурракаб асарини ижро этди. Кичик ёшдаги моҳир созанданинг бу ижросини ҳайрат билан кутуб олишди. Йирик тўр ёқали дуҳоба костюмдаги Фридериқ ажойиб тингловчиларнинг диққат марказида бўлди. Болалик соддалигига бориб, ҳамманинг эътибори байрам костюмимга қаратилди, деб ўйлади. Онаси Фридериқдан тингловчиларга унинг қайси жиҳатлари ёққанини сураганида, бола шундай жавоб берди:

— Костюмимнинг ёқаси. Биласизми, ойи, ҳамма унга тикилиб қолди.



« – Сенга нима ёқди, болакай? – Кўйлагимнинг оппоққина ёқалари».

Шундан сунг ёш Шопеннинг концертлари Варшава мусиқий жамоатчилигининг эътиборини тортди. Болакай оқсусяклар ҳузурида бир неча бор ўз маҳоратини намойиш этди, газеталар унинг муваффақиятлари ҳақида ёза бошлашди. У бир қатор маршлар, полонезлар, вальслар, галоплар ва қўшиқ

оҳангларига вариациялар ёзди. Фридериқ шунчаки қизиқиши билангина эмас, балки ички бир масъулият туйғуси билан ҳам мусиқа билан шуғуллана бошлади. Композиторнинг ана шу болалик давридан Варшавада ўтказиладиган ҳарбий парадларда духовой оркестр жўрлигига ижро этиладиган яна бир полонез ва «Ҳарбий марш» сақланиб қолинган.

Вақт ўтиб, болакай ўн икки ёшта тўлди. Мўйсафид Живний кундан-кунга шитоб билан камолотга интилаётган истеъдод соҳибига раҳнамолик қилишга куч-кудрати етмаслигини англаб етди. Унинг маслаҳатига кўра Фридериқнинг ота-онаси ўғилларининг машғулотлари билан шуғулланишни варашавалик таниқли мусиқачи Юсеф Эльснердан илтимос қилдилар.

Ўғлининг ноёб мусиқий салоҳиятини чуқур анлаган Николай Шопен унинг ҳар томонлама билим олиши учун мунтазам қайгуриб борди. Соғ-саломатлиги унча мустаҳкам бўлмаган болакай узоқ вақт уйда таълим-тарбия олди. 13 ёшта киргач эса Варшава лицейида тарбиялана бошлади. Бу ерда Польшанинг энг яхши педагоглари дарс беришарди. Энди болакайнинг қизиқишилари ижтимоий фанларга қаратилди. Она-Ватан тарихи ва адабиёти – Фридериқнинг севимли машғулотлари бўлибгина қолмай, улар ёш Шопеннинг мусиқий бадиҳагўйлиги учун ҳам илҳом манбаи эди. Дарслардан бўш вақтларида, ўртоқлари қадимги Польша ва унинг қаҳрамонларининг буюклиги ҳақидаги ҳикояларни галма-гал баланд овозда ўқишиганида, Фридериқ рояль ёнида ўтириб бу тарихий воқеа-ҳодисаларни ҳиссий жиҳатдан таъсирчан ва гўзал шаклдаги мусиқий образларда яратарди. Эҳтимол, мана шу бадиҳагўйликлар Шопен ижодидаги бўлажак драматик-қаҳрамонлик асарлар учун хамиртуриш вазифасини бажаргандир. Негаки, унинг баллада, фа минор фантазияси, полонез оҳангидаги улуғтвор ва фожиавий ҳикояларида бу аниқ сезилади...

Фридериқнинг зийрак ақли ва қувноқ феъл-атвори унинг ўртоқлари орасида ҳамиша севимли ва болалик ўйинларининг етакчи ташкилотчиси бўлишига имкон берарди. У ўзга кишиларнинг юз қиёфаси, овози, қадам ташлаши ва қўл ҳаракатини кулгили шаклда яратадиган фавқулодда актёрик иқтидорига ҳам эга эди. Буларнинг ҳаммасини у шу қадар нафис ва табиий бажарар эди, бу хатти-ҳаракатлар ҳеч кимнинг дилини

оғримасди. Үз оиласи ёки бирон бир танишларининг хонадонларида намойиш этилган спектаклларда одатда у бош ролларни ижро этарди. Агар ўртоқларидан биронтаси адашиб кетса ёки сўзларни унугиб қўйса (баъзан суфлёр ҳам эслатишга улгуролмасди), Фридрих бадиҳағйлик билан саҳна асарига бутун-бутун матнлар қўшиб давом эттириб кетаверар, шу тариқа у спектакль қатнашчиларига ёрдам бераборарди. Театр билимдонлари унинг ажойиб актёрик талантига қойил қолишарди.

Ҳамиша қувноқ ва ғашга тегмайдиган юморга мойиллик Фридрикнинг рассомчилик фаолиятида ҳам намоён бўлди. Лицейдаги дўстлари унинг кўп ҳолларда математика дарсида қоғозга чизилган карикатураларини узоқ вақт эслаб юришарди.

Фридрик опа-сингиллари билан бирга «Ўйин-кулги адабий жамоаси»ни ташкил этди. У мазкур тўгарак учун қувноқ шеърлар ёзиб, карикатура ва ўртоқлик ҳазиллари чизарди. Николай Шопеннинг ҳамма фарзандларида адабий қобилият бор эди, ҳатто Людвика Изабелла билан биргаликда роман ёзиб, уни нашр этиши. Фридрикда ҳам ёзувчилик истеъодиди намоён бу-



Фридрик таҳсил олган мусиқа мактаби.


ла бошлади. У ота-оналарининг яқин таниши Доминика Дзевановскийнинг қўргони – Шафарняга ёзги сафарларининг бирида омма ўртасида машхур бўлган «Варшава хабарчиси» газетасига тақлид қилиб юмористик қўлёзма шаклидаги «Шафарня хабарчиси» газетасини чиқарди...

1826 йилнинг баҳорида Фридрик мусиқа мактабига ўқишига кириб, профессор Юзеф Эльснер раҳбарлигида композиция бўйича билимини такомиллаштира бошлади. Варшава консерваториясининг директори Эльснер кенг маълумотга эга мусиқачи, яхши композитор, поляк халқи ҳаётидан олинган опера муаллифи эди. У ўзининг узоқ ҳаёти давомида поляк мусиқачиларнинг бир неча авлодини тарбиялади. Айни пайтда Эльснер фақат ўз касбининг усталаринигина эмас, балки биринчи ўринда поляк миллий маданиятининг арбоблари тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Зийрак педагог ёш мусиқачилар юрагига қандай йўл топишни яхши биларди. У поляк композиторларини чексиз илҳом манбаи бўлган – халқ қўшиқларининг қадрига етишга давват этарди.

Эльснернинг ҳамкаслари Шопеннинг ўқувчилик ишларидаги баъзан қуюшқондан чиқиб кетган эркинликни кўриб эътиroz билдиришганида, оқсоқол мусиқачи: «Уни ўз ҳолига қўйинглар. У ўзига хос йўлдан кетяпти, чунки Фридрик фавқулодда қобилиятга эга. Унинг изланишлари мактабимизнинг қатъий қоидаларига мос келмайди, чунки унинг ўз йўли бор», деганди.

Зийрак ва сермулоҳазали Эльснер Шопеннинг бетакрор ва ўзига хос истеъодига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди. Шак-шубҳа йўқ, у Фридрикка мусиқий фаолиятда ўз услуби ва теран миллий йўлини топиб олишига ёрдам берди. Эльснернинг архив хужжатлари орасида шогирди Шопен ҳақидаги қўйидаги қайдлари сақланиб қолинган: «Ажойиб қобилият эгаси. Мусиқа даҳоси».

Шопен Варшава консерваториясини муваффақиятли битиргач, устозининг маслаҳати билан ўша даврнинг йирик мусиқий маркази – Вена шаҳрига сафарга чиқди. Моцарт ва Бетховен ватани ёш поляк композиторини очиқ чехра билан кутиб олди. Бу ўринда Эльснернинг веналик мусиқачиларга ёзган мактуби муҳим роль уйнади, албатта. Ёш пианиночининг моҳирона



Варшава консерваторияси. 1830-йиллар.

ижроси ва таъсирчан асарлари Венанинг бутун мусиқий жамоатчилиги эътиборини тортди. 1829 йил 11 августда Вена опера театрида ёш поляк пианиночисининг илк концерти намойиш этилди. У Шопенга катта муваффақият келтирди...

Шопен қадрдан шахрига машхур бўлиб қайтди. Вена газеталарида мақтovли мақолалар Варшавада катта қизиқишиятиди. У ерда эълон қилинган деярли барча мақолалар Варшава матбуотида кўчириб босилди. Энди она-Ватанида ҳам катта концерт беришнинг фурсати етилганди, аммо Фридрик шошилмасди. У Венада намойиш этилган концерт дастурини такрорлашни истамасди. Бундан ташқари, энди катта миқёсдаги мусиқий жанрларда ҳам куч-ғайратини синаб кўришга вақт келганди.

1830 йил март ойида Варшавада иккита концерт жуда муваффақиятли намойиш этилди. Гарчи Шопенning бу ажойиб концерти оралиғида кимларнингdir валтерна учун қувноқ пъесалари ва скрипка учун вариациялари янграган бўлса-да, ёш истеъодли композитор асарларининг поэтик жозибаси мухлислар юрагига етиб борди.

Отаси ва севимли устозининг қатъий талаби билан ёш композитор чет элга, энг аввало, Венага, сўнгра Парижга йўл олди. Аммо бу саёҳат унга қувонч келтирмади. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмасди. Дўстларидан бири ўнданай эътироz билдириди: «Хозир замон қалтис, эртага нима бўлиши номаълум. Хозир Париж ва Венада концерт намойиш қилишнинг мавриди эмас».


1830 йил 1 ноябрда композиторнинг дўстлари билан хайрлашув кечаси ўтказилди. Шопен янги асарларини ижро этди. Оғайнилари унга поляк тупроғи солинган кумуш кубок совға қилишиди...

1831 йил сентябрда Шопен почта дилижонида Парижга кириб келди. Бу ерда ҳамма нарса яқинда юз берган инқилобни эслатиб турарди. Шаҳар ҳаяжон ичра қайнарди. Қирол Луи Филипп бошчилигидаги монархия ҳокимиятийи ийрик буржуазия, банкир, капиталист, завод, шахта ва кон эгалари устидан қозонилган ғалабани тантана қиларди. Гоҳ ишчилар ўргасида қўзғолон аланга олар, гоҳ иш ташлашлар ташкил этиларди... Шопен Парижга келгач, Пуассенъер хиёбонидаги беш қаватли кўхна уйнинг учча катта бўлмаган хонасига жойлашди. Деразадан хиёбон ажойиб манзара ҳосил қилиб, Пантеондан то Монмартгача қуриниб турарди. Ёш композитор бир неча бор хиёбон ва майдонда оломон тўпланиб, «Марсельеза»ни куйлашганининг гувоҳи бўлди. Бу ерда ҳатто «Яшасин Польша! Полякларга озодлик!» деган хитоблар ҳам қулоққа чалинди. Поляклар қўзғолонининг бостирилиши ва Варшава рус қўшинлари томонидан забт этилиши – буларнинг ҳаммаси Париж аҳлида унуттилмас таассурот уйғотганди. Парижнинг хиёбон ва майдонларида шафқатсизларча бостирилган қўзғолон иштирокчиларига хайриҳоҳлик рамзи сифатида бир неча бор ҳалқ намойишлари ташкил этилди. Бу хатти-ҳаракатлар Шопен қалбида чексиз ҳаяжон уйғотди.

Маиший турмушда ҳали суюги қотмаган ва эски анъаналар руҳида тарбияланган ёш йигит Париж ҳаётининг долғали гирдобида ўзини ёлғиз ва ночор ҳис этди. Бу шаҳардаги буржуача ахлоқ-одоб, ҳамма соҳадаги манфаатпарастлик Шопенга тескари таъсир ўтказди. Аммо инқилобий Парижнинг 30-йиллардаги маънавий муҳити уни ўз бағрига тортмай қолмади. Бу ерда

Энг машхур кишилар – дунёга донға кеттган хонандалар, моҳир пианиночилар тұпланишганды. Шаҳар салонларида француз шоирлари ва ёзувчилари үз асарларини үқиб туришарди. Бальзак, Гюго ва Жорж Санднинг энг охирги романларининг қаҳрамонлари – изтироб чеккан, хұрланған ва ижтимоий ёрдамга муҳтоҗ кишилар ҳақидағи муросасиз баҳс-мунозаралар асло тұхтамасди. Аммо Шопенниң күпроқ пианиночилар қизиқтирауди. Бу пайтда Лист, Тальберг, Гиллер, Герц, Калькбреннер каби үз касбининг фидойилари машхұр әдилар. Жуда тез вақт ичида уларнинг ҳаммаси Шопеннинг дүстлари ва мухлисларға айланишды. Еш поляк композитори ижросининг бетакрор поэтик жозибаси үзининг техник жиҳатдан ажайиб мұкаммаллігі билан құшилиб Париж пианиночиларининг қалбини забт этди.

«Варшавадан ташриф буюрган жаноб Шопен»нинг дастлабки оммавий вокал-чолғу концерти 1832 йил 26 февралда Плейеля залида ташкил этилди.



Ф.Шопеннинг дастлабки оммавий-вокал чолғу концерти  
(1832 йил 26 февралда Париждеги Плейеля залида).

Үша даврнинг одатига күра унда бир нечта бошқа артистлар ва симфоник оркестр ҳам иштирок этди. Дастирга Шопеннинг фа-минор концертининг бириңчи қисми ва Моцартнинг «Дон Жуан» операсига вариацияси ҳам киритилди. Мұваффақият шов-шув билан құшилиб кетди. Гарчи бу концерттан мұлжалланған маблағ тұпланмаган бұлса-да, Шопеннинг номи мухлислар тилига түшди. Газеталар унинг ажайиб поэтик ижроси ва үзиге хос композиторлық таланты ҳақида өздилар. Шундан сүнг Шопендан қатор аристократ хонадонлар фарзандларига мусикадан сабоқ беришini таклиф қилишди. Кундан-кунга унинг үкувчи-шогирдлари ҳам күпайиб борди. У бой оиласыннан фарзандалари – истеъдодсиз ҳаваскорларнинг үртамиёна ижроларини соатлаб тинглаб үтиришга мажбур әди. У ҳар куни беш, ҳатто етти соатлаб сабоқ берар, бу лаҳзалар бутун диққат-эътиборни талаб қыладиган, кишини ҳолдан тойдирадиган ва жуда катта күч-қувват сафлашып түрі келадиган иш жараёни әди. Бу тирикчилик юмушлары уни мусиқий фаолиятидан анча узоқлаштириб күярди.

Шопен яна Венада бұлды. Бор-йүғи бир йил олдин бу ерда унинг концерти жуда катта эътибор қозонғанды. Энди эса ҳамма нарса үзгарғанды. Бирон бир тадбир үтказиш учун рухсат олиш осон әмасди. Шу пайтда Польшада құзғолон күтарилгани ҳақида



Ф.Шопен күй ижро әтәётгап пайт.

хабар келди. Фридериқ үзининг Тито Войцеховский исмали дўсти билан шу заҳотиёқ содир булаётган воқеаларда иштирок этиши учун Польшага қайтмоқчи бўлди. Аммо ўша кунлари отасидан келган мактуб унинг режасини үзгартириб юборди. Николай Шопен ўғлиниң чет элда қолиши ва Варшавага қайтмаслигини қаттиқ тайинлаганди. Қўзғолон қатнашчиларининг кўпчилиги билан дўстона алоқада бўлган Николай Шопен бу воқеа юз беринини аниқ билган ва мазкур мактубони олдиндан тайёрлаб, ўғлига жўнатганди...

Фақатгина 1831 йилнинг ўрталарида Фридериқ Венадан чиқиб кетишга мусассар бўлди. Ўтган йилнинг июнида юз берган инқилобдан чучиб қолган Австрия амалдорлари Францияга чиқиши учун рухсатномани ноилождан беришаётганди. Дўстларининг маслаҳати билан Шопен «Парижга кириб ўтиш» шарти билан Лондонга рухсатнома олди. Бу ишнинг юриб кетишига ёрдам берди. Йўл-йулакай Фридериқ Мюнхенда ушланиб қолди. Бу ерда у янги концертини намойиш қилишга муваффақ бўлди. Кейинги бекат – Штутгарт... Немисларнинг бу кўхна шаҳри ёш композитор хотирасидан мустаҳкам жой олди. Бу ерда унга Варшаванинг таслим бўлгани ва поляклар қўзғолони



Варшавадаги қўзғалон.


шафқатсизларча бостирилгани ҳақидаги машъум хабар етиб келди. Варшавадаги фожиавий воқеалар Шопенга кучли таъсир қилди. Энди у болалиги ва ёшлиги ўтган она-Ватани ва севимли шаҳри ўзи учун нақадар қадрли эканини чукур тушуниб етди. Ватандан жудолик уни етим ҳолатига солиб қўйганди. Энди у ёт юртларда ёлғиз эканлигини англаб етганди...

1834 йилнинг баҳорида олмон шаҳарларидан бирида буюк немис ва австрия композиторлари Гендель, Бетховен ва Моцарт мусиқий меросига бағишлиланган катта тантаналар ўтказилди. Бу ерда ёш поляк мусиқачиси қанча ажойиб асарлар тинглаш баҳтига мушарраф бўлди. Бу фестивалда у немис композитори ва пианиночиси Фелекс Мендельсон билан дўстлашди. Ҳали навқирон, Шопендан бор-йути бир ёш катта бўлган Мендельсон аллақачон пианиночи ва композитор сифатида кенг жамоатчиликка танилганди. Айниқса, ўша пайтда Шекспирнинг «Ёз кечасидаги туш» пьесасига ёзган увертюраси ва фортепиано учун яратган «Сўзсиз қўшиқ» номли асари мухлислар эътиборини қозонганди.

Шопен дўстлари – Гиллер ва Мендельсон билан бирга Рейн дарёси бўйлаб саёҳатга чиқди. Ёшлар бу улуғ дарёнинг фурункор соҳиҳларидан баҳра олдилар, йўлда учраган шаҳар ва қишлоқлар билан танищдилар, олмон халқининг ўтмишига оид кўхна ривоят ва афсоналар тингладилар...

1835 йилнинг ёзи Шопенга кўпдан-кўп қувонч келтириди. Унинг ота-онаси Карлсбад шифобахш сувларида даволаниш мақсадида чет элга чиқишиганди. Бу хабарни эшигтан Фридериқ ўша заҳотиёқ бу шаҳар сари йўлга чиқди. Нақадар қувончни учрашув! Улар Карлсбаднинг кўнгилни яйратадиган бөғлари ва табиат манзараларига бой замини бўйлаб узоқ сайндишиди. «Мана орзуларим рӯёбга чиқди, бу – баҳт, баҳт ва яна баҳт», деб бу ҳақда Шопен опа-сингиллари – Изабелла ва Людвикага ёзил юборганди. «Қувончимни сўзда ифодалаб бўлмайди...» Кувончли кунлар ҳам сездирмасдан ўтди-кетди. Ота-онасини кузатиб қўяр экан, Фридериқ үзини бардам тутди, улардан ажралиш нақадар мушкуллигини сездирмасликка ҳаракат қилди...

Шопен Парижга қайтиш пайтида Дрезденга кириб ўтди. Бу кўхна шаҳарда узоқ йиллар поляк қироллари хукмронлик қилишиганди. Шунинг учун ҳам шаҳар аҳолиси таркибида поляк-



лар күп эди. Дрезденда Шопенга аввалдан таниш Водзинскийлар оиласи ҳам истиқомат қиларди. Фридерик үн беш ёшлик чоғида бу очиқкүнгил ва хушмуомала оиласа мөхмон бўлганди. Акаука Водзинскийлар Николай Шопен пансионида таълим-тарбия олишганди. Водзинскийларнинг кичик қизлари – Мария ӯша пайтда олти ёнда эди. У Фридерикнинг ижросига қулоқ солиб ўтириб, кўпгина оҳангларни жуда аниқ эслаб қолар, унинг хотираси ниҳоятда кучли эди. Энди эса у үн етти ёшли, айни балоғат фаслига ўтганди. Мария суратни яхши чизар, ҳатто мусиқа ёзишга ҳам ҳаракат қиласиди. Уни соҳибжамол деб бўлмасди: юзи кенг бичимда, йирик бурун, жудаям қисиқ кўз... Аммо унинг назокати ва эпчилиги бу нуқсонларини бекитиб турарди. Шопенга яқин бўлган инсон фикрича, Мария Водзинскаянинг ӯзига хос қиёфаси композиторнинг фа-минор этюди, шунингдек, унга бағишиланган вальсда муҳрланган.

Ёшлар учрашганда жуда кувноқ кайфиятда сухбат қурдилар. Мария Шопеннинг портретини чизди. Фридерик фортелиандоғайрати жўшиб бадиҳагўйлик қилди. Кўп ўтмай улар келинкуёв бўлишга адҳ қилишди. Аммо Водзинскийлар оиласининг етакчилари уларнинг оила қуришига розилик беришмади.

## БИР СЕВГИ ТАРИХИ ФРИДЕРИК ШОПЕН: «Унинг огушида ўлмоқчи эдим...»

### I

1847 йил. Париж. Киборлар томонидан уюштирилган базм ва балларда кўпчилик ӯзининг жанжалкашлиги билан шуҳрат қозонган адига Жорж Санднинг «Лукреция Флориани» романини муҳокама қилишди. Наҳотки бу сурбет хоним ӯз ётоқхонасидати воқеа-ходисаларни китобхонларга ипидан-игнасигача ҳикоя қилиш даражасига етган бўлса? Бадгумон ва инжиқ шаҳзода Корол аслида ким эканлигини биласизми, у буюк Шопен эмиш. Лукреция-чи? Бу хушторларини тинимсиз алмаштирадиган ва ҳамма эркакларга ёш болага қарагандай муносабатда бўлаётган Жорж Санднинг ӯзи эмасми? Аммо бу аёлга хос қилиқлардан ажабланмаса ҳам бўлади. Мабодо унинг жазманлари сонини ҳисоблаб чиқсан, унда жуда узун рўйхат вужудга келади. Бундан ташқари, одатда у ӯзига нисбатан анча ёш йигитларни танлайди. Ажабланмаса ҳам бўлади: ӯзининг бой тажрибасига нисбатан бу хушторларини бегуноҳ гўдакдай тасавур қиласиди. Аммо Шопен... Наҳотки адиганинг бу композитор ҳақида ёзганлари рост бўлса?!

Улар 1836 йили графиня Мари д'Агунинг киборлар учун уюштирган базмида танишдилар. 26 ёшли Фридерик Шопен аллақачон бутун Парижга танилганди. Истеъододли композитор ӯзининг мусиқий асарларини моҳирона ижро этиб, энг нуфузли француз хонадонларининг эътиборли мөхмонига айланганди. Ёш польяк йигитининг ташқи жозибали қиёфаси кўпгина хонимларнинг юрагини асир этарди. Абадий ўйчан чехранинг нозик чизгилари, кулранг-малла соч, ғамгин боқувчи жигарранг кўзлар, мулоим овоз... «Бу хафақон шаҳзода ӯз маликасини ахтариб тополмаётганга ўхшайди. Эҳтимол, дилгиригининг сабаби – унинг севги бобидаги омадсизлигидир?», деб Париж ғийбатчилари гап-сўз қилишарди. Ҳақиқатан ҳам Фри-



Жозибадор Жорж Санд хоним.

дерик Шопен Парижга келгунга қадар омадсиз севги тарихини бошидан кечирганди. У Польша оқсуякларига мансуб бой бир оиланинг қизи – Мария Водзинскаяни яхши кўриб қолганди. Ёш санъаткорнинг бокира ҳис-туйғулари бу соҳибжамолнинг қалбини ҳам асир этганди, афсуски севишгандарнинг беғубор меҳр-муҳаббатига қизнинг ота-онаси қарши чиқди. Водзинскийлар оиласи қизлари тақдирининг ўз истеъдоди билан мухлислари ўргасида энди-энди эътибор қозонаётган композитор тақдирни билан боғланишини исташмади...

Композитор меҳмонлар учун уюштирилган базмда ўзининг бир неча этюдларини ижро этиб бўлгач, хонадон соҳибаси унинг ёнига келди-да, эркаклар костюмидаги ғалати бир хонимни Фридерикка рўпара қилди. Улар танишдилар. Аёл баланд пошнали этик кийган, оғзида сигараси бор эди. Бу ғалати шахс бутун Парижга маълум ва машҳур Жорж Санд эди. Қисқа сухбатдан сўнг Шопен уй бекасига шундай деди: «Бу Жорж Санд деганлари жудаям қўпол экан-а?.. Шуям аёлми, мен бундан гумон-

сираяпман...» Дарҳақиқат, Жорж Санднинг ташқи қиёфаси у қадар эътиборни тортмаслигини сезган биргина Шопен эмасди. Ёзувчи ўзини очиқдан-очиқ кўримсиз хонимлар тоифасига қўшарди. У ўзида гўзаллик ўрнини босадиган нозик хатти-харакатлар етишмаслигини тан оларди. Замондошлари бу аёлнинг бўйи узун эмас, комати миқтидан келган ғамгин чехрали, кўзлари йирик-йирик ва сийнаси сариқ рангта мойил, деб таърифлашарди. Шунга қарамай, Жорж Сандни жуда кўпчилик соҳибжамол, деб ҳисобларди.

Жорж Санд Шопен билан илк бор учрашганда 32 ёшда эди. Бу пайтга қадар у омадсиз никоҳ даврини бошидан кечирганди. Унинг икки нафар фарзанди – Соланж исмли қизи ва Морис исмли ўғли бор эди. Эҳтимол, ана шу муваффақиятсиз никоҳ Аврора Дюдеванни (унинг асл исми-шарифи шундай) Жорж



Ф.Шопен.

Сандга айлантиргандир? Аврора ўн саккиз ёшида навқиран артиллерия поручиги (зобити) Казимир Дюдеванга турмушга чиққанди. Ёшлар Париждан унча олис бўлмаган Аврорага қарашли қўргонда яшай бошлишди. Казимир Дюдеван алоҳида феъл-автор билан ажралиб турмасди. У ёш рафиқасига кўп эътибор бермасди, кечкурун ётоқхонасига қадам қўйганидагина хотинини эсга оларди. Дарҳақиқат, баъзи ҳолларда Аврора ўзининг оқсоchlари ва уй хизматчилари билан ухлаб қоларди. Бундай эр-хотинлик муносабатлари борган сари Аврорани «эркаклар дунёси»нинг адолатсизликари тўғрисида ўлашиб олиб келди. Эр-хотин ўртасидаги узлуксиз жанжаллар ҳам ўз ишини қилди. Орада иккита фарзанд булишига қарамай, уларнинг тўққиз йиллик никоҳи ҳамманинг кўз ўнгидаги барбод бўлди. 27 ёшли Аврора Дюдеван болаларини олиб, Парижга жўнади. Эри унинг бу қарорига қаршилик кўрсатмади ва ажрашишга рози бўлди.

Пойтахтда Аврора бадиий ижод билан астойдил шуғуллана бошлиди. 1832 йилда «Жорж Санд» тахаллуси билан унинг «Индиана» деб аталган романи чоп этилди ва у адабанинг номини



Француз адабаси Ж.Санд.

кенг китобхонларга танитди. Бу асарнинг шуҳрат қозонишида Жорж Санднинг шахсияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аврора Парижга келгач, кўчада эркаклар кийимида юришни ёқтиради, ўзини аёлларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилувчи сифатида кўрсатишга мойил эди. Унинг ётоқхонасидаги эркаклар тез-тез алмашиб турарди, Жорж Санд уларнинг кўпчилиги ўзида оналик ҳиссиётини уйғотишини таъкидларди. Адабанинг муҳаббат саргузаштлари ўша оқшом Шопеннинг қулогига ҳам етиб келди...

Графиня Мари д'Агуенинг хонадонини тарқ этиши олдидан Шопен яна Жорж Сандга рўбару келди. Бу галги сухбат узоқ давом этди. Бу лаҳзалардан Шопен ҳайратланарли бир ҳолатни туйди: «Бу аёлда эътиборни тортадиган нимадир бор?!» Аммо уларнинг бу мулоқотида меҳр-муҳаббат мавзууда гап-сўз бўлмади. Бироқ Жорж Санд учрашувдан ниҳоятда қаттиқ таъсирланди: у ёш композиторнинг истеъдодига асир бўлиб қолганди. Кўп ўтмай бундай сухбатлар одат тусига кирди. Шопен қаерга ташриф буюрса – ўша ерда адиба ҳам ҳозир нозир эди. Фридерик Шопен бу аёлсиз ўз ҳаётини тасаввур этолмаслигини англаб этиши учун орадан бир ярим йил ўтди. Уларнинг табиатлари турлича эди: зиёли, баъзи пайтлари тортинчок Шопен ва баджаҳл, ўзига бино қўйган Жорж Санд. У эркаклар костюмидаги юришни ёқтиради, Фридерик иштирок этадиган давраларда эса аёллар либосида булишга интиларди. Композиторнинг эскича қарашлари ва тезда бир қарорга келолмаслиги Жорж Сандга ёқмасди. Бунинг устига баъзи пайтлари Шопеннинг ҳаддан зиёд инжиқлиги тутиб қоларди – унинг саломатлиги ҳавас қиларли даражада эмасди. Композитор болалик чоғидан бошлаб ўпка шамоллаши хасталигидан азоб чекарди. Шунга қарамай, севишганлар баҳтиёр эдилар...

1838 йили Шопеннинг саломатлигини тиклаш мақсадида Жорж Санд Испанияга сафар қилишга қарор қилди. У ердаги Майорка оролининг бетақрор иқлими Фридерикнинг хаста ўпкасида ниҳоятда фойда бериши мумкин эди. Афсуски, Майорка севишганларни ўзининг тинимсиз жала ва ёмғирлари билан кутиб олди. Шопен бу ерда ўзини жуда ёмон ҳис этди. Маҳбуба Жорж Санд касални боқувчи ҳамширага айланди. У кечалари беморнинг тӯшаги ёнида

қимир этмай үтириб, шифо берувчи қайнатма ва суюқ дорилар тайёрларди. Тез кунда севишганлар ижарага олган хонадон эгаси Шопеннинг қандай касалга дучор бұлғанидан хабар топди. Шундан сүнг у Шопеннинг бу ерни зудлик билан тарқ этишини талаб қылды. Янги құналға топиш амри маҳол әди, чунки композиторнинг касаллиги ҳақидағи хабар бутун шаҳарға тарқаб кетганди...

1839 йил февраль ойида улар Францияга қайтиб, Жорж Санднинг мулки бұлған құрғонда яшаңды. Фридерикиннег соғлиги аста-секин тикланған болады. Аммо Испания саёхатидан сүнг композитордан Жорж Санднинг күнгли совиганди. Шопеннинг жисмоний жиҳатдан зүриқиши мумкин әмаслигини Жорж Санд тушуниб етганди. Бунинг устига иғвогарлар ҳам ёзувчининг жазмани меъдасига тегди, деб гап тарқатиши. Жорж Санд ҳам Фридериқ үзини қадди дол өзінде тутаётганига иқрор бұлғанди. Шунга қарамай, севишганлар бирға яшаңда давом этиши. Жорж Санд баъзан учта бола билан яшаётганини таъкидлар, у учинчи бола деб Шопенни назарда тутарди. Шу тариқа улар саккиз йил турмуш қуришди. Жорж Санднинг ҳаётсеварлиғи, ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қила билиши, мұраккаб вазиятларда тұғри қарор қабул қилиши ва композиторға бамисоли онадек ғамхұрлығы – буларнинг ҳаммаси хаёлпарат ғана Шопенға ҳаводек зарур әди.

Улар 1847 йилда, яғни илк учрашувларидан 10 йил үтгандан сүнг ажрашдилар. Шопен алоҳида жойға күчиб үтди. У Жорж Сандни бу жудоликнинг бош сабабчиси, деб билиб, севгилисисининг мактубларига жавоб бермай қўйди. Композитор үзини усиз баҳтсиз ҳисобларди, энг охирги ҳаёттей куч-кувати маҳбубаси билан бирға қолиб кетгандек туюларди. Фридерикиннег соғлиги тобора ёмонлаша бошлади. 1849 йили, яғни қирқ ёшга тұлишига бир неча ой қолғанда Фридериқ Шопен ҳаётдан кўз юмди. Унинг охирги айтган гапи шу бўлди: «Унинг оғушида үлмоқчи әдим...»

Жорж Санд Шопен вафотидан кейин 27 йил яшади ва 1876 йилда, яғни 72 ёшида бу оламни тарқ этди. Шопен билан видолашганидан сүнг ҳам у үзининг феъл-атворига содик қолди. Адиба 60 ёшида Париж аҳли унинг 39 ёшли рассом Шарль Маршал билан ишқий саргузаштини муҳокама қиларди. Жорж

бу йигитни «менинг бақалоқ ўғлим», деб эркаларди. У мана шу даврда ҳам жүшқин ва кишилар билан муомалага устаси фаранг әди. Фақат бир нарса – Шопен вальсларининг оҳангларигина бу хонимни кўз ёш тўкишга мажбур қиласди...

## II.

Орадан кўп үтмай, Францияда инқилобий ҳаракатлар аланга олди. У Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам ёйилди. Шопен ўз Ватани – Польшани озод мамлакат сифатида кўришга умид боғлаганди, бироқ унинг куни эрта битган әди...

Фридериқ Шопен жасадини Париждаги Пер-Лашез қабристонига дағн этиши, унинг васиятига кўра юраги Ватанига олиб кетилди. Композиторнинг юраги Варшавадаги Авлиё Hoch костели (черкови)нинг деворига қўйилди. Шопен ёшлик чоғида ана шу ерга яқин жойда бироз муддат яшаган әди.

Фридериқ Шопен қандай асарлар яратмасин, биринчи навбатда, ҳалқ мусиқаси анъаналари ва рақс усулларини асосий манба қилиб олди.



Ф.Шопеннинг қабр тоши.

Шопен аксарият асарларини биргина фортепиано учун ёзган. Шу сабабдан ҳам истеъдодли композитор мусиқасинин янги эмоционал таъсири – ишқий кайфият, поэтик эркинлик, бүёқларнинг турланиши – фортепианонинг янги колористик имкониятлари яратилиши билан боғлиқdir.

Буюк композитор Фридрих Шопенниң ижодий мероси – фортепиано учун иккита концерт, трио, сонаталар, 4 та баллада, 4 та скерцо, 4 та экспромт, 16 та полонез, 58 та мазурка, 17 та вальс, 21 та ноктюрн, 26 та прелюдия, 27 та этюд, 19 та қўшиқ ва бошқа мусиқий асарлардан иборат.

Варшава шаҳрининг энг сўлим ва хушманзара хиёбонларидан бирида Фридрих Шопен шарафига ажойиб меъморий ёдгорлик бунёд этилган. Бу ёдгорлик атрофига минг-минглаб мусиқа ишқибозлари тўпланиб, истеъдодли композиторни тез-тез ёдга олиб туришади.



Композитор шарафига бунёд этилган ёдгорлик.

Бу ерда ўтказиладиган Халқаро танловларда дунёning турли бурчакларидан ташриф буюрган энг салоҳиятли созандалар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Польшанинг етук ижро-чилари ва хориждан келган меҳмонлар Шопен яратган ўлмас мусиқа асарларини завқу шавқ билан ижро этадилар.

Биз Польшада ижодий сафарда бўлганимизда, Фридрих Шопен билан боғлиқ кўпгина жойларни зиёрат қилдик. Айниқса, унинг Утрата дарёси соҳилидаги уй-музейи бизда жуда катта таассурот қолдирди. Куйидаги шеър ана шу саёҳат маҳсулидир:

### ВУЖУДИГА СИҒМАГАН ЮРАК

Халқим озодликка ташна ҳар қачон,  
Юртим бош эгмаган ёвга бирор он.  
Дўстларим эрк учун тўкишмоқда қон,  
Вужудимга сиғмай титрайди юрак,  
Мен ҳам шу сафларда бўлмоғим керак.

Қуллик ва қашшоқлик теккандир жонга,  
Қачон эрк тегади ҳар бир инсонга?  
Бу мусоғир элда нима бор менга,  
Вужудимга сиғмай титрайди юрак,  
Энди мен Ватанда бўлмоғим керак.

О, Париж, бағрингда гузаллик бисёр,  
Улардан завқ олгум такрор ва такрор.  
Оҳанглар сехрига маст бўлдим ҳар бор,  
Вужудимга сиғмай титрайди юрак,  
Энди мен Ватанда бўлмоғим керак.

Ёшлик чоғларимда мутлоқ ғўр эдим,  
Мусиқа бобида тенгсиз, зўр эдим.  
Парижда шон-шухрат топаман, дердим,  
Вужудимга сиғмай титрайди юрак,  
Энди мен юртимда бўлмоғим керак.

Эркесвар Польшадай үлкани сүйдим,  
У озод бўлсин деб ўртандим, куйдим.  
Санъатнинг шукухи – қудратин туйдим,  
Вужудимга сиғмай титрайди юрак,  
Энди мен Ватанда бўлмоғим керак.

Ногоҳ сўнар экан ҳаётим шами,  
Мендан ризо бўлсин она-Ватаним.  
Нақадар тотлидир озодлик таъми,  
Вужудимга сиғмай титрайди юрак,  
Энди у Польшада яшashi керак.

Рустам ФАНИЕВ



Варшава. Ф.Шопеннинг ота-онаси дағн этилган қабристон.

### ШОН-ШУҲРАТ ЁФДУСИ ОСТИДА: Мактубларда қолган андуҳлар

«У Варшавада таваллуд топган, вужуди билан поляк, қобилият ва истеъододи билан эса дунё фуқароси» – таниқли полъшалик шоир Цинриан Камил Норвид буюк бастакор Фридерик Шопен шахсига ана шундай мұхтасар таъриф берган эди. Дунёдаги энг оммавий ва кўп ижро этиладиган мусиқаларни сарҳисоб қилганлар оммавийлиги бўйича Шопен мусиқасини Гиннеснинг рекордлар китоби рўйхатига киритишган. Ноёб қобилият эгасининг шахсий ҳаёти мусиқа асарларидаги каби ҳислар ва ҳаяжонли воқеаларга тўла эди.



Шопен дўстлар даврасида.

Фридерикнинг ҳали болалик чоғидаёқ Иоганн Себастьян Бах мусиқаларидан олган маънавий завқи унинг пианиночи сифатида шаклланишида катта роль ўйнайди. 8 ёшидан Шопен ўз муҳлислари аудиториясини йигиб олган, унинг хайрия концертларини ҳалқ олқишлиар билан кутиб олар эди. 12 ёшидаёқ Фридерик ижро ва маҳорат борасида мусиқа ўқитувчисидан ўзиб кетди. Фридерик бу муваффақиятлардан эсанкирамас, камтариш оддий инсон эди.

Шопеннинг ilk муҳаббати поляк графининг иқтидорли қизи Мария Водзинская эди. 1836 йилда мусиқадан сабоқ бераркан, Фридерик Марияга мафтун бўлиб қолади ва қиздан унга турмушга чиқишини сўрайди. Қиз Фридерикнинг таклифини рад этмайди, аммо унинг ота-онаси ўз қизларини топиш-тутиши яхши бўлмаган, қолаверса, саломатлиги ёмон бўлган (бу пайтда Шопен сил касалидан азият чекаётган эди) инсонга турмушга бермоқчи эмасликларини қатъий равища билдирадилар. Мария ота-онасининг қарорига қарши бормайди. Мариянинг совуқонлик билан битган ҳиссиз мактублари Фридерикнинг оташ муҳаббатини тобора сўндиради. Мариядан сўнгги мактубини олган Шопен барча номаларни пуштиранг тасма билан боғлаб, «Менинг андуҳ-кулфатларим» деган битикни ёзib, уларни сувга оқизади. Бу севги тарихи Шопен хотирасида катта из қолдирди. Аммо бу ишқий дардлар изини унинг ижодидан ахтармаслик керак.

1838 йилда Шопен аксарият парижлик зодагонлар томонидан эҳтиросли ва жозибали аёл номини олган, негадир эркакларга хос – Жорж Санд тахаллуси билан ижод қилувчи таникли ёзувчи Аврора Дюдеван билан танишади. Ўзидан б ёш катта бўлган, эркактабиат бу аёлни Шопен аввалига хуш кўрмайди. Аммо «Муҳаббатнинг кўзи кўр», деганлари рост экан. Шопен бу аёлга нисбатан билдирган фикрларини тез орада эсдан чиқаради. Уларнинг муҳаббати жўшқин ва мазмунли ҳаётлари давомига айланди. Шопен Жорж Санд фарзандларини тарбиялашга кўмаклашар, уларга оталик қиласади.

Фридерик Шопен Жорж Санд билан яшаган даврларида 400дан зиёд турли мусиқий асарлар яратди. Турмушнинг икир-чикирлари, ҳаётнинг пасту баландини биргаликда баҳам курган Жорж Сандга бўлган ҳис-туйгулари бастакор ҳаётининг

энг мазмунли онлари эди. 1847 йилда ўртадаги муросасизлик сабаб Жорж Санд билан ажрашгач, Шопеннинг саломатлиги оғирлашди.

Шопеннинг муҳаббатини қозониш истагида бастакор эътиборини ўзига қаратишга астойдил уринган яна бир аёл унинг ўқувчиси Жейн Стерлинг эди. У жуда бадавлат бўлиб, бастакорга молиявий томондан ҳомийлик қиласади. Бироқ Шопен Стерлинг билан турмуш қуриш эҳтимолини қатъий равища йўққа чиқарди. «Ундан кўра, ӯлимни танлаганим маъқул», деганди Шопен. Унинг бу қарори гўё тақдирни устидан ўқилган хукм бўлди.



Ф.Шопен ўзининг энг машҳур асарларини Нант шаҳрида яратди.

## ШОПЕН МУСИҚАЛАРИНИНГ ЖОЗИБАСИ

Яқинда Ўзбекистон канали орқали юртимизнинг машхур санъаткорлари иштирокида «Заковат» телемусобақаси бўлиб ўтди.

Унда ўртага ташланган бир савол менда ҳайрат уйғотди.

Дунёда энг кўп ижро этиладиган мусиқалар қайси? Жавоб эса Шопеннинг «Мотам марши» ва Мендельсоннинг «Тўй марши» деб топилди.

Бу Ўзбекистонимизнинг олис қишлоқларидан бирида яшовчи қизнинг кўрсатувга юборган саволи эди.

Шу боис менда «Мотам марши» ҳақида ёзиш истаги туғилди. Ҳали ҳамон ёдимда. Утган йили Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Шопен ва Анна Герман хотирасига бағишлиган кеча бўлиб ўтган эди. Театрнинг мусиқачилари ва Польша элчихонаси ташаббуси билан ўtkазилган бу кечада Европалик машхур композиторнинг асарларини ўзбек мусиқачилари шу қадар завқ-у шавқ билан ижро этаётганини кўриб тамошабинлар ҳайратланган эдилар. Нормўмин Султонов ва ҳатто меҳмонларнинг ўзлари ҳам Шопеннинг полонезлари ижро этилганда ҳайратга тушганлигининг гувоҳи бўлган эдим.

У 12 ёшидаёқ ижро ва маҳорат борасида мусиқа ўқитувчисидан ўзиб кетди. Кунлардан бир кун ёш Фридерикинустози қошига чорлаб, «Энди сенга ўргатадиган ҳеч нарса қолмади», деган эди. Ўша пайлар Варшавадаги хайрия концертларида 8 ёшли Шопеннинг чиқишиларини ҳалқ олқишилар билан кутиб олар эди. У ўз иқтидори билан болалигидаёқ шаҳарнинг машхур салонларини эркатой, севимли мусиқачисига айланди. Князлар зодагонлар ва генераллар Фридерикининг санъатидан завқ олиб унга таъзим қилишар, машхур хорижлик мусиқачилар ҳам ёш боланинг истеъоди олдида лол ва ожиз қолар эдилар. Италийлик таниқли хонанда бу боланинг ижроси маҳорати олдида бош эгиб, олтин соатини тухфа қилган ва бу олтин соатни Шопен



Буюк асарлар ижро этилган пианино.

умрининг охиригача асраб-авайлаган. Машхур немис композитори Роберт Шуман Шопен асарларини тинглар экан, «Унга таъзим қилинг жаноблар, бу даҳо!» – деган эди.

Болалигиданоқ таниқли одамлар даврасида шаҳарнинг машхур салонларида кун ўтказган Фридерикининг хулқу автори омма орасида ўзини тувиши, дўсту биродарлик қоидаларига ўз дунёқараши нуқтаи назари билан ёндашарди. У ўша замон меъёр ва қоидалари таъсирида бўлса-да ўзини ундан узокроқ тувишига ҳаракат қиласар, унинг ўз олами бор эди. Охир-оқибат 18 ёшида ҳаёти хотимасига сабаб бўлган сил касаллигига дучор бўлди. Ўша даврда Польша уч қўшни давлатлар томонидан Европа харитасидан учириб ташланган бўлса-да, поляклар қалбида ягона Ватан бўлиб қолаверган паллада, Шопен ўз ижодини ҳалқ мусиқа анъаналарини ривожлантиришга қаратди. Унинг поляк ҳалқи анъаналари билан сугорилган ижоди хорижда ҳам гуллаб-яшнади. Шопенни бу меҳнатлари дунё мусиқа оламида муносиб баҳоланди. У Париждаги яшаган чоғларида катта муваффақиятларга эришди. Бу Польшалик мусиқачи самода порлаган энг ёрқин юлдузлардан бири сифатида эътироф этил-



Мусиқа сабоги.

ди. Парижлик зодагонлар ўз қызылари унинг мусиқа ҳақидаги маърузаларини тинглашларини шараф деб билдилар. Энди у ўз асарларини ижро этиш олқиши олар, мақтоловларга күмилиб кетар, шунга қарамай, муваффақиятлардан эсанкирамай камтарин оддий инсон булиб қолаверарди.

Шопен ижодига назар ташлаб уни бир неча давларга ажратиш мумкинлигини кузатамиз. Ёшлик романтик туб бурилиш даври (концертлар) ижодининг энг чўққиси (ракслар) маэстролик даври (прелюдии, мазурки, ноктюрни) романтик уйғунлашувнинг сўнгти даври (баллада, полонез, сонетлар).

Шопен мусиқасидан мазурка, полонез, вальслар ўз аксими топган. Унинг бастакорлик маҳорати чўққисида Польша қишлоқларининг акси, халқ оғзаки ижодининг бетакрор гузалиги яққол ҳис қилинади. Бу унинг жонажон ўз қадрдан юртидан қарзини узиш билан баробар эди. У диний мусиқадан, опера асарларидан ва Польша тарихидан ҳам илҳомланиб асарлар яратади.

Композиторга замондош танқидчилардан бири Шопен асарларига баҳо берар экан, шундай ёзган эди: «Унинг асарларидан

мисоли турли гулларга хос хушбўй ҳидлар уфорини сезасиз».

Шу боис ҳам Гитлер қўшинлари Польшани эгаллагач, унинг асарларини ижро этишни тақиқлаб қўйганлигидан ҳам ушбу оддий ҳақиқат ўз исботини топган эди.

Аксарият Парижлик зодагонлар томонидан эҳтиросли ва жозибали аёл номини олган Жорж Санд ва мусиқа шуҳрат чўққисига эришган Шопен икки ўзига хос шахс бир-бирларига узукка кўз қўйгандек муносиб эдилар. Тақдир уларни ана шундай шароитда учраштириди. Уларнинг муҳаббати жўшқин ва мазмунли ҳаётларини давомига айланди. Шопен, Жорж Санд фарзандларини тарбиялашга кўмаклашар, уларга оталик қиласарди.

Буюк композитор ҳаётининг энг оғир кунларида шу аёл билан бирга бўлди. Уларнинг муҳаббати, ишқий саргузаштлари ҳақида жуда кўп асарлар ёзилди, кинофильмлар яратилди. Иккни инсоннинг бир-бирига бўлган эҳтиросли ҳис-туйғулари акс эттирган «Шопен – муҳаббатга ташналиқ» фильмни хотимаси жудолик билан якун топади. Фридрих учун бу айрилиқ оғир мусибат бўлди. Ушбу фильм Польшада катта мувваффақият қозонди. Бир қатор кинофестивалларда турли совринларни қўлга киритди. «Шопен – муҳаббатга ташналиқ» фильмида акс эттирилган буюк композитор образи тамошабинларда катта таассурот қолдирди. Роман Полянскийнинг «Пианиночи» фильмни ҳам Шопен ҳаётига бағишиланди. Фильмдаги биографик образини таниқли қаҳрамон Владислав Шпильман ижро этган (яқинда вафот этган таниқли пианиночи), уруш пайтларида Гитлер томонидан тақиқланган композиторнинг асарларини ижро этиш катта жасорат талаб этар эди. Бу эса Фридрих Шопен мусикасининг ўлмас асарлар сарасида яшаб келаётганидан далолатdir.

Фридрих Шопен Жорж Санд билан яшаган давларида 400 дан зиёд турли мавзуларда асарлар яратган. Уларни тўплаб, кўз қорачиғидек авайлаб, авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Турмушнинг икир-чикирлари, ҳаётнинг пасту-баландларини биргаликда баҳам кўрган умр йўлдоши бўлганлиги учун ҳам унинг илк муҳаббати бўлган Мария Водзинскаяга нисбатан Жорж Сандга бўлган ҳис-туйғулари ҳаётнинг энг мазмунли онлари эди.

Фридерик Шопен 1849 йили Парижда сил касаллигидан ва-  
фот этди.

Бастакорнинг авлодларга мерос бўлиб қолган ижоди  
мусиқаси дунё бўйлаб тарқалмоқда.

Польшада унинг ижоди хотирасига бағишилаб мунтазам ра-  
вишда концертлар, фестиваллар ташкил этилмоқда, Душнида  
1946 йилдан бошлаб ҳалқаро Шопен мусиқаси фестивали, «Шо-  
пен куз жилоларида» шеърий мусиқий концертлар, Саникода  
болалар ва ёшлар учун Шопен мусиқалари фестивали ташкил-  
лаштирилди. Энг нуфузли конкурс Варшавада бўлиб ўтадиган  
Ҳалқаро Шопен мусиқали фестивалидир. Шунингдек, Франция,  
Испания, Чехияда ҳам бастакор ижодига бағишиланган фести-  
валлар ўtkазилиб турилади.

Фридерик Шопен мусиқасига оид ўзига хос хусусиятлар  
хали ҳануз жумбоқлигича қолмоқда. Балки унинг асарлари  
умрибоқийлигининг сири ҳам шундадир. Унинг асарлари ҳар  
бир авлод қалбида гўзаллик ва инсоний мукаммалликка инти-  
лиш ҳис-туйғуларини уйғотади. Бастакорнинг умуминсоний  
қадриятларга бўлган муҳаббати турфа маданий, миллий ва  
ижтимоий доирадаги одамларда унга бўлган соғинч туйғусини  
янада ошираверади.

Зоро бу асарлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқот-  
маганигини ўзбек тупроғида Алишер Навоий номидаги Давлат  
академик Катта театр саҳнасида юртдошлиаримиз ижро этा�ётган  
Шопен асарларини томоша қилиб гувоҳи бўлдим.

## ВАТАНИГА ҚАЙТГАН ЮРАК

Ғурбатда гарисб шодумон бўлмас эмиш,  
Эл анга шағиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбўлга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Алишер НАВОИЙ

Касб тақозоси туфайли дунёдаги турли элатларнинг тарихи,  
маданияти ҳақида қалам тебратиб турман. Бирор юрт ҳақида  
ҳикоя қиласангиз, уларнинг буюк даҳоларини эслаб ўтасиз, ал-  
батта. Чунки ҳикоя қилаётган юртингизнинг тарихи, унинг  
бағрида ўсиб, дунёга машҳур бўлган инсонлар қисмати билан  
шу қадар боғланиб кетганки, дунё аҳли уларни бир-бирлари-  
дан айро тасаввур қилолмайдилар. Буюк шахсларни эса, тақдир  
ҳамиша сийлайвермаган. Тавба, улар ҳақида сўз юритаётга-  
нингизда, ҳикоя қилмоқчи бўлганингизда ёки бирор кўрсатув  
тайёрланишга чоғлансангиз, қисмати сизга ошно бўлиб, йу-  
лингизда ўз-ўзидан ўтиб бўлмас ювлар пайдо бўлаверар экан.  
Балки қисматнинг аччиқлиги, уларнинг руҳлари буюклигидан  
бўлса, ажабмас.

Ватан, унинг қадри, соғинчи ўрнини босувчи ҳеч қандай  
юпанч йўқлиги муқаррар. Шу боис бу сўз замирида жон ва тан-  
дек инсонга энг ширин бўлган туйғулар мухранган.

Ўзи шоҳу, кўнгли Ватан соғинчидаги ҳамиша изтиробда бўл-  
ган Бобурмирзонинг «Ўз юртни қўйиб, ҳинд сори юзлангани»,  
«нетай не юз қоролуғ бўлди», дея ёзган дил изтиробларидан  
Ватанин кўрасиз. Фурқат эса биратўла жисми монидаги Ватан  
ташналигини оламга аён қилиб, Ватан фироғидаги жисмини  
исмига ўғириб қўя қолди.

Замонамизнинг гўзал шоири меҳр-муҳаббат ва ватан куй-  
чиси Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам Ватанга бўлган муҳаббат

ўзгача куйланади. «Сен шоҳлари осмонларга тегиб турган чинорим», дейишининг ўзидаёқ 96 урғунинг ҳаммаси жонланиб чиққандек бўлади. Тақдир тақозоси билан ўтган йиллар давомида Индонезияга сафарга борадиган бўлиб қолдим, чипталарга буюртма берилгач, шоирнинг бемаҳал оламдан ўтганини эшитиб, юрагим чидамай, Андижонга йўл олдим. Абдуваҳоб Нурматов кўзларида шашқатор ёшлар билан мени қарши олди. Кўлида шу кунлари Андижон вилоятига учрашувга келадиган ижодкорларнинг рўйхати бошида шоирнинг номи битилган эди. Қаранг, шоирга ўз юритига келиш насиб қилмаган экан. Иккаламиз Марҳаматнинг Қовунчи қишлоғига етиб боргунча шоирнинг шеърларини айтиб кетдик. Шоир туғилган уй манзараси аллақачон тасвирлари чизилиб, муҳлисларга етказиб бўлинган экан. Мен бу сўзларни ёзишимдан мақсад буюк шахслар дунёнинг қайси юртида бўлмасин, қисматдош бўладилар, деган фикрга борганиligimdanidir.

«Оҳанглар шоири» номини олган Ф.Шопен 39 ёшида оғир хасталик боис оламдан ўтган. Шоирнинг қуидаги мисралари гўё унга айтилган марсияга ухшайди.



Буюк Ипак йўлида.  
Абдуваҳоб ака меҳмонларни Андижоннинг  
ижодий муҳитига олиб киради.

— Азроилнинг елкасида жим,  
Куз ёш тўкиб бораётган ким?

— Қўйни тўла ҳаяжон, туйфу,  
Увол кетган ёш бир йигит у...

— Секин юрса бўлмасми даъюс,  
Нима гуноҳ қилди, у маъюс?

— Иблис чопса бу ҳақ тилаги,  
Айби — унинг қайноқ юраги..

— Азроилнинг авзойи ёмон,  
У ўлжасин элтар қай томон?

— Оллоҳ лойиқ қўриб ҳурматта,  
Буюрганмиш уни жаннагта.


— Ундаи бўлса нега йиғлаюр?  
— Йиғлайди-да. Ахир. У шоир!..

Польшанинг буюк фарзанди машҳур бастакор Фридерик Шопен ҳаётини кузатар экансиз, буларнинг нечун қисматдош деб ўйлаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Демак, Шопен ҳақидаги ҳикояни ўқиб, ўзингиз бир хуносага келарсиз.

\* \* \*

Варшавадан таҳминан 50–60 километрлар узоқликдаги Уттара дарёсининг соҳилида Желязова Воля деган кўкламзор, дарахтзор ва сокин бир гўша бор. Эндиликда бу ер кўплаб мусиқа ихлосмандларининг зиёрратгоҳига айланган. Чунки 1810 йил 22 февралда бу ерда ўқитувчи оиласида поляк халқининг миллий ифтихори, бутун дунёга буюк бастакор сифатида танилган Фридерик Шопен дунёга келган.

Фридерикда мусиқага ихлос жуда эрта уйғонди. У илк бор 8 ёшида пианиночи сифатида концертларда иштирок эта бошлади. 19 ёшида эса биринчи марта хорижда ўз маҳоратини на мойиш этишга мұяссар бўлди. Бу дастлабки ижодий муваффақиятлардан руҳланган Шопен кейинги йили Европа бўйлаб



Утрамта дарёси.


янги саёхатга чиқишини режалаштириди. Шопен 1830 йил 20 ноңбрда сафарга отланди. У үша пайтда үзи туғилиб үсган Ватанини абадий тарк этаётганини бир зум бұлса-да хаёлидан үтказдимикан?! У Польшани мангуға тарк этаётганди. Яланғоч дараҳтлар извош орқасидан бош силкиб хайрлашар, у эса камзулига бурканғанча шамол товушига қулоқ тутиб борарди. Гүё шамол унга: «Хайр...сен бутунлай кетяпсан...» – деяётгандек эди. Ийүк, у албатта қайтади, унинг шұхрати Польшанинг шұхратига айланади.

– Тезроқ жұна, сен Вена, Берлин, Лондонда үз истеъододингни намойиш этишинг лозим. Бу ердан кетишинг керак, – дерди унинг биринчи устози Эльснер, – айни күч-ғайратинг бор пайтида дүнёни күр, келажакда сен буюк сањаткор бұлишинг керак...

Венада Шопен Варшава құзғолони ҳақидағи хабарни эшилади. Унинг отаси ёшлигідаёқ Польшанинг мустақиллиги учун курашган, энди эса Фридерикинг дүстлари барикадаларда жаңг қилишарди. Унинг күнгли ташвиш ва умидларга тұла эди. Ағсуски. Парижга кетаётганида мағлубият ҳақидағи хабарни эшилади. Уни умидсизлик, ғазаб ва чуқур нафрат чүлғаб олади. Ана шу кайфиятда у үзининг «Революцион этюд» деб ном олған машхур до-минор этюдини яратади.

1831 йилнинг сентябрьда Шопен Парижга келади. Бу вақтда Фридериик 21 ёшда эди. У шу пайтгача ёзған ҳамма мусиқий асарларини үзи билан бирга олиб келганди. Шопеннинг бу ердаги биринчи чиқишиләрдөң катта шұхрат келтиради. Еш, аммо машхур бұлғып кеттеган венгер пианиночи Лист ҳам, машхур немис шоири Гейни ҳам, Шопенни эшитиш баҳтига мұяссар бұлған бошқалар ҳам унинг маҳоратига қойил қолишиади. Бастакорнинг шұхрати тобора ортиб борди, бироқ тирикчиликни ҳам үйлаш керак эди. Үртамиёна пул тұплаётған мусиқа үқитувчиси отаси юбориб турған маблағта қачонгача қаноат қилиши мүмкін? У болаларга мусиқадан күпроқ дарс берса бошлади.

Шопендан мусиқа бүйича сабоқ олиш аслзода хонимлар учун жуда мароқли эди. Ҳар куни бир неча соатлаб дарс бериш касалманд Шопен учун қанчалар оғирлигини улар заррача тасаввур қилишимасди. У асосан ёзда, яни талабалар таътилга чиқиб кетишигандагина ижод қиласы.



Хастақол композитор умрининг сұнги күнларыда үзининг үлмас асарларини яратды.

Шопен касалманаң эди, бирок у дард билан мардонавор курашарди, ҳаётдан ҳеч нолимасди. Томошибинлар олдига чиққанда ўзини санъаткорона ўта камтар тутарди. Рояль ёнига ўтирганида у ана шу Париж салонларида ўзи туғилиб ўстган заминдан қанчалар узоқда эканлигини равшан ҳис этар, унинг фикр-хаёлинини она юрти – Польша соғинчи чулғаб оларди. Бастакор ўз Ватанини мустақил ва фаровон кўришни орзу қилас, бу ватан-парварлик ҳис-туйгулари унинг мусиқа асарларининг асосий мазмунини ташкил қиласди.

Шопеннинг чуқур драматизм, романтик ҳаяжонларга тұла балладалари, скерцо, мазуркалари, прелюдиялари, сонаталари жонажон Польшаси ҳақида ҳикоя қиласди. Унинг мусиқасида поляк халқининг ёрқин келажагига ишонч, қадрдан юртни озод куриш ва Ватан соғинчи туйгулари мужассамлашган.

У ота-онаси ва опа-сингилларини соғинарди. Ўша пайтда Парижды яшаган поляк шоири Адам Мицкевич ва бошқа юртшолари, Франциянинг машхур кишилари – рассом Делакруа, атоқлы адеб Оноре де Бальзаклар билан доимий мулоқотлар ҳам бастакорнинг соғинч дардини асло боса олмасди.

Истеъдодли француз адебаси Жорж Санд билан дүстлашуви Шопенга анчатаина далда бұлды. Ҳатто бу дүстлик ришталари меҳр-муҳаббат туйгуларини пайдо қилди. Бу икки истеъдод эгалари бир қанча муддат биргә яшаш баҳтига ҳам мұяссар бұлдилар. Ана шу даврда бастакор ўзининг энг етук ва мұкаммал асарларини яратди. Жорж Санд эса ўзининг романларидан бирига истеъдодли бастакор билан ўтказған унтуилмас дамларини асос қилиб олди. Албатта, чинаккам ҳаёт ва тирик инсонлар бошқа, бадиий асар қаҳрамонлари бошқа... Аммо ўша романда ҳикоя қилинган бош қаҳрамон ҳаёті шундай тасвиrlанған әдикі, бу Фридегерик Шопеннинг иззат-нафсига тегмаслиги мүмкін эмасди. Ахир унинг ҳам ўзига яраша эркаклик шаңни бор, ахир у ҳам Парижды ўзига яраша шон-шұхрат қозонған мусиқа ижодкорларидан бири...

Охир-оқибат Жорж Санд ва Фридегерик Шопен ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарининг у қадар мустаҳкам әмаслиги (омонат эканлиги) маълум бұлды... Бастакор адебанинг бу «олижаноб» ишини кециргиси келмасди, Жорж Санд ҳам ўзининг ёзувчилик ғурурининг поймол бўлишини истамасди. Хуллас,

«икки қўчкорнинг калласи бир қозонда қайнамайди», деганларидек, бу истеъдодли ижодкорларнинг муносабатларига дарз кетди... Бу меҳр-муҳаббат ришталари шу билан якуландиди, Жорж Санд бастакорнинг ҳаёт шами сўниб бораётган энг сунгти дамларда ҳам ундан бир марта бўлса-да, хабар олмади...

Шопеннинг соғлиги тобора заифлашиб борарди. Шунга қарамай, у минг бор мاشаққатлар билан дарс бериш ва асарлар яратища давом этарди. Кўп ўтмай, у концертларда деярли чиқмай қўйди. 1848 йилнинг 16 февраляда Парижды Шопеннинг охириги концерти бўлиб ўтди. Орадан бир неча кун ўтгач, Францияда инқилобий ҳаракатлар аланга олди. У Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам ёйилди. Шопен ўз Ватани – Польшани озод мамлакат сифатида кўришга яна умид боғлади, бирок унинг куни битиб қолган эди...

1848 йилнинг октябрида Фридегерик Шопен 39 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Уни Париждаги Пер-Лашез қабристонига дафн этишиди, бирок унинг васиятига кўра юраги Ватанига қайтарилиди. Бастакорнинг юраги Варшавадаги Авлиё Хоч ибодатхонасининг деворига қўйилди. Шопен ёшлик чоғида ана шу ерга яқин жойда бироз муддат яшаган эди.




Шопеннинг хоки қўйилган Авлиё Хоч ибодатхонаси.

Фридерик Шопен қандай асарлар яратмасин, биринчи навбатда, халқ мусиқаси анъаналари ва рақс усулларини асосий манба қилиб олди.

Шопен үзининг аксарият асарларини биргина фортепиано учун ёзган. Шу сабабдан ҳам истеъододли бастакор мусиқасининг янги эмоционал таъсири – эркинлик, бўёқларни турланиши – фортепианонинг янги колористик имкониятларини яратилиши билан боғлиқдир.

Варшава шаҳрининг энг сўлим ва хушманзара ҳиёбонларидан бирида Фридерик Шопен шарафига ажойиб меъморий ёдгорлик бунёд этилди. Бу ёдгорлик атрофига минг-минглаб мусиқа ихлосмандлари тўпланиб, истеъододли бастакорни тез-тез ёдга олиб туришади. Бу ерда ўтказиладиган Халқаро танловларда дунёning турли бурчакларидан ташриф буюрган энг салоҳиятилар созандалар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Полъшанинг етук ижро чилари ва хориждан келган меҳмонлар Шопен яратган ўлмас мусиқа асарларини завқу шавқ билан ижро этадилар.



Желязова Волядаги бу гўша мусиқа ихлосмандларининг зиёратгоҳи.

## СЕВИШГАНЛАР ИБОДАТХОНАСИ

(Бир томчи сув)

Буюк поляк композитори Фридерик Шопен ёшликда ортиригган оғир касаллиги хуруж қила бошлагач, ноҷор аҳволга тушив қолади. Шу боис улар најот излаб Майорка оролига борадилар. Француз адабаси Жорж Санд хоним ҳарчанд уринмасин ёмғирли кунлар, нам ҳаво беморни аҳволини янада оғирлашириб қўяди. Композиторнинг тушкунликка тўла асарлари шу ерда дунёга келади. Бугун бу оролдаги улар яшаган Вол де Масса ибодатхонаси севишганлар зиёратгоҳига айланган.

Варшавадан унча олис бўлмаган Желязова Воля гулларга бурканган чоғларда ёш болакай булбулдай хониш қилар, пианинода мусиқа ижро этганида эса ҳаммани оҳангларга маҳлиё этарди. Шунинг учун ҳам ўз даврининг машҳур маэстроси Шнайдер «Ҳеч бир мусиқа Фридерик яратган оҳанглар сингари одамни орзулар оламига етаклай олмайди», – дея таърифлаган эди.

Бир куни ота-онаси ўзлари никоҳдан ўтган ибодатхонага болакайни ҳам олиб келадилар. Ибодатхонадан таралаётган мусиқа оҳанглари болакай вужудига малҳамдай сингиб борарди. Бу оҳанглар унинг келажагини башорат қилаётгандай эди, гўё.

Фридерикнинг отаси асли франциялик бўлган Николай меҳмоннавоз, одамшинавонда, давраларни хуш кўрувчи зиёли инсон эди. Болакай отасининг дўстлари даврасида пианино чалиб, уларни хушнуд этарди. Шундай кунларнинг бири Юстина хоним (Фридерикнинг онаси) ижро этган кўйдан сўнг меҳмонлар олқишини олган ўғлидан, «сенга нима ёқди», деб сўраганларида, Фридерик болаларга хос самимият билан «кўйлагимнинг оппоқ ёқаси», – дея жавоб берган экан.

«Болакайдати ана шу туйғу бир умр унга ошно бўлди. У оқлика, покликка талпиниб яшади», – деб ёзади «Шопен» китобининг муаллифи Кол де Дифре. Мусиқа оламига кириб бораётган Фридрик оҳанглар сирини ўзгача кашф қилишга харакат қиласди.


Фридрикни давраларнинг мартабалари қизиқтирмас – унинг учун барча бирдай тингловчи эди. Ўша даврларда Польша Россия таъсирида бўлиб, рус подшосининг укаси Константин Варшавани бошқарарди. Шу боис у рус зобитлари, ҳатто рус подшоси ҳузурида ҳам мусиқа чалган.

Ўтмишга назар ташласак, ҳатто даҳолар ҳам ўзгалар кумагига муҳтож эканини шоҳиди бўламиз. Раздейвич исмли бадавлат киши ҳомийлигида Шопен ўзининг бир неча концертларини ўтказишга мувофиқ бўлади ва шундан сўнг оммага танилади. У 1826 йили Варшавадаги лицеини тамомлаб, консерваторияга ўқишига киради. Ҳали-ҳамон сақланаётган



Князъ Раздейвич композиторнинг дастлабки концертларига ҳомийлик қиласди.

ижарачилар рўйхати битилган дафтарда талаба Шопенning ҳам дастхати қолган.



Ижарачилар рўйхати битилган дафтар.

Шопен Польшани тарк этади. У Польшани жондан ортиқ севарди. Ўзга юртларда уни катта ҳаёт синовлари кутаётган эди. Уни ўзга юртлар қучоқ очиб кутиб олмади. Аксинча, беҳуда танқидлардан асаблари жунбушга келса ҳам-ки, сабр-тоқат ва матонат билан ижод қилишда давом этди. Польшада унинг чиқишиларидан завқ олишар, лекин мусиқа композициялари ҳақида лол-мим дейишмасди.

Унинг 1836 йили Германия, Австриядаги концертларини томошибинлар яхши кутиб олса ҳамки, айрим танқидчилар унга панжа орасидан қарашди. «Улар мени менсишмаяпти, ёқтиришмаяпти, гүё улар учун Штраусдан бошқа композитор йўқдай», деб Фридрик асабийлашар, шунга қарамай янти-янти асарлари устида ишлашни давом эттираверар эди. Йигирма ёшли Фридрикни Париж ўзининг қадрдонини қаршилагандай кутиб олди. Балки у бу баҳтга отаси Николай асли лотарингиялик бўлганлиги учун ҳам муюссар бўлгандир. Фридрик Париж саҳналаридаги концертларида нафосат ва покликнинг

уйғулашувини күради. Аста-секин унинг асарлари оммавийлашиб борар, унинг ўзи эса буни истамас, «менинг мусиқаларим одамларга ором бахш этса бас», дея хаёлдан ўтказарди.

У Парижда Лист, Шумян, Беллини ва Мендакон каби ўз даврининг машхур ижодкорлари билан дўстлаши.




Шопен дўстлар даврасида.

Бу узига хос ижодий муҳит Фридерикни янги асарлар яратишга ундейди. Ўша даврлардаги у яратган мусиқаларда қалб сокинлиги, инсон маънавий дунёсининг гузаллиги акс этиб турарди.

Парижда ўзининг ишқий саргузашлари билан ном чиқарган Жорж Санд хоним билан танишув Шопеннинг кейинги ҳаёти ва ижодига катта таъсир кўрсатади.

Бу пайтга келиб Шопен анчайин хасталаниб қолган, айнан Санд хонимдек ҳомийнинг парваришига муҳтоҷ эди. Композитор Парижда Прантей исмли мусиқачи билан танишган, у ўзи туғилиб ўсан Майорка оролини жуда мақтаган эди. Ўпка силидан силласи қуриб бораётган Фридерик, Санд хоним ва болалари нажот излаб Майоркага келадилар.

Оролнинг энг машхур табиблари унга ташхис қўйишар экан, бу касаллик билан у қандай яшаётганидан ҳайратланардилар. Улар яшаш учун ижарага олган хонадон соҳиби бу юкумли касалликка мубтало бўлган ижаракчиларини ўз уйидан чиқариб юборади.



Ижарага олинган хонадон.

Бу оила оролдаги Вол де Масса ибодатхонасидан макон топадилар. Ибодатхонанинг зах хонасида Фридерик қолиб кетар, Санд хоним табиатга маҳлиё булиб, ёмғирили кунларда болалари билан орол соҳилларига чиқиб сайр этишини хуш



Сайр.

күрар эди. Ибодат қилгани келгандар Фридерикка эътибор ҳам беришмасди.

Ана шу ёмғири кунларда Шопен оғриқ азобидан алаҳсирап, ҳатто ҳеч кимни танимай, титраб-қақшаб ётар, шу ҳолатда ҳам ижод қиларди. У ёзилажак мусиқий асарини хаёлидан такрор-такрор үтказиб, меъёрига етказарди. Шу оролда ёзилган «Алвидо ҳаёт» 15 прелюдия «Бир томчи сув», «Томга урилаётган ёмғир томчилари» асарлари унинг бу мусиқаларидаги енгил ва сокин такрорланишлар ҳаётдан видолашаётган кимсанинг ҳолатини эслатарди.



Ибодатхонадаги ижод.

Бу мусиқани тинглаганлар унга «Видолашув» дея ном берганлар. Композиторнинг ўзи эса асарлари бошига ном қўймас, асар сўнгига унинг номини билиб олиш мумкин эди. Бугун Вол де Масса ибодатхонасини дунёдаги барча севишганлар зиёрат қилишга ошиқадилар. Бу ерда улар буюк композитор ва Санҷ хонимнинг биргаликда үтказган кунларини хотирлайдилар. Агар тақдир тақозоси билан Шопен Санҷ хонимни учратмаганида умри аллақачон завол топар, ўзининг машҳур асарларини ёзишга улгурмас эди. Икки ижодкорнин ишқий саргузаштлари одамлар орасида достон бўлиш билан биргаликда уларнинг

машҳур асарлари дунёга келишига сабаб бўлди. Санҷ хоним ёзувчиликдан ташқари мусиқадан хабардор бўлиб, пианино чалар, яхшигина расм ҳам чизар эди.



Жорж Санđ чизган расм.

Мухлислар даврасидан анча олисда, сокин масканда композиторга ғамхурлиқ қилиш, соғайишига бўлган умид билан Санҷ хоним уни шу ерга олиб келган эди.

Композиторнинг хасталиги кучая боргач, улар Нант шаҳрига қайтишди. Улар ёз фаслини Нант шаҳрида үтказди. Санҷ хоним



Ўтмиши манзараларини сақлаб қолган орол.

дехқон қизи бўлгани сабабли меҳнаткаш, чаққон аёл эди. У болалар тарбияси билан бирга оғир касалликка чалинган композиторга ҳам ижод қилишига шароит яратишга жон-жаҳди билан тиришарди. Қайсар ва асабий бўлиб қолган Шопенга турли овқатлар тайёрлар, сабзавотлар келтирас, уни қуруқ, тоза ҳавода сайр қилишга ундарди. Шу боис Шопеннинг хасталиги анчайин шифо топди. Бу орада Санд хонимнинг ўғли ҳам, қизи ҳам вояга етиб қолганди. Шопен уларга оталик меҳрини бершига қарамай, оиласда тез-тез турли низолар чиқа бошлади. Санд хонимнинг енгилтак қизи Фридерикини ўзига ром этиш учун қилган ҳаракатлари зое кетди.



Санд хонимнинг қизи Соланж.


Санд хоним оиласдаги барча низоларга дош бериб, «Менга ҳеч нарсани кераги йўқ, севган кишим ёнимда бўлса бўлгани», – деган ният билан яшади. Унинг қизи Шопеннинг қаршилигига қарамай, майпараст кишига турмушга чиқади. Кўп ўтмай қизнинг турмуши барбод бўлади.

Шопен ўзининг машҳур асарларини Нантда ёзди. Французлар «Матом куйи» деб аташадиган асар ҳам айни шу ерда дунёга келган. Жорж Санд иродали шахс бўлганлиги боис барча машаққатларга дош берар ва туни билан романлар ёзар эди.

Оиласдаги низолар туфайли икки истеъодд әгасининг севги қиссаси жудолик билан ниҳоя топди. Жудолик билан тутаган

бу икки шахснинг муҳаббати борасида асалар ёзилди, кинофильмлар суратга олинди. «Эл оғзига элак тутиб бўлмас», дейдилар. Бу икки ижодкорнинг бирга ўтказган дамларидан хотира сифатида буюк мусиқа асалари қолди.


Икки асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам турли мамлакатлардаги мусиқачилар буюк композитор ижодини ҳурмат илиа ёдга оладилар. Майорка оролидаги улар яшаган Вол де Масса ибодатхонаси эса севишганларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган.



Қадимги Майорка.

## ШОПЕН ВА ЎЗБЕКИСТОН «Польша мусиқаси жавоҳирлари хазинасидан»

Утган иили ЮНЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 ияллиги тасдиқланди. Шундай қувончли кунлар арафасида Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Польша мусиқаси жавоҳирлари хазинасидан» деб номланган кеча бўлиб ўтди.



Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги  
Давлат академик Катта театри.

Польшаётмишданузинингбуюк шахслари – композиторлари, мусиқачилари, қўшиқчилари билан дунёга танилган. Фридерик Шопен, Станислав Монешко, Полонез Огинский, Анна Герман номларини ҳурмат билан ёдга оламиз. Айниқса, Шопен мусиқалари янграганда, Анна Германнинг «Мұхаббат садоси» («Эхо любви» сл.Р.Рождеавенский муз.Е.Птичкина) «Нафосат» (муз. А.Пахмутовой, сл. Н.Добропровова) «Боғлар гуллаганда» («Когда ивели сади» муз. В.Шопинского сл. Н.Робина)

Министерство по делам культуры и спорта Республики Узбекистан  
Творческо-производственное объединение «Узбектеатр»  
Государственный академический Большой театр  
имени АЛИШЕРА НАВОИ  
При содействии Посольства Республики Польша в Республике  
Узбекистан

**23 июня** в 17.00

ПРЕДСТАВЛЯЮТ

## ГАЛА-КОНЦЕРТ НОРМУМИН СУЛТАНОВ ПРИГЛАШАЕТ ДРУЗЕЙ НА ВЕЧЕР – «МУЗЫКАЛЬНЫЕ ЖЕМЧУЖИНЫ ИЗ ПОЛЬСКОЙ ШКАТУЛКИ»

В программе концерта — произведения из оперной и инструментальной польской классики и популярные песни из репертуара

**АННЫ ГЕРМАН**

Касса работает без выходных с 10.00 до 19.00.  
Справки по телефону: 133-90-81

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида  
бўлиб ўтган «Польша мусиқаси хазинаси жавоҳирлари»  
концертига чорловчи афиша.


Шопенга мактублар (Письмо Шопену) қўшиқлари янграганда томошибинлар нигоҳида соҳир овоз соҳибасининг унутилмас овози, санъатнинг сарҳад билмас кудрати оламни тутиб кетди.

Ўтган йилнинг айни ёз чилласи 23 июнь. Серқүёш юртимизда пишиқчилик палласи. Дехқонлар етиштирган қовун-тарвузлар шира боғлаб тилни тилим-тилим қиласидиган маҳал. Паҳтакорлар эса далаларда йил бўйи қиласидиган меҳнатлари ҳосили бўлмиш паҳтани йигиб-териб олишга киришган.

Шундай кунларнинг бирида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Польша мусиқаси жавоҳирлари хазинасидан» деб номланган кечага томошабинлар – поляк санъати ихлосмандлари йигилдилар. Бу кечани Польша республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва театрнинг жонкуяр ижодкорлари ташкил этган эдилар.



Саҳнада поляк халқи санъатининг намойиши.



Поляк қўшиклари ижро этилмоқда.

Бу кечага келганлар сафида мен ҳам бор эдим. Мени бу кечага бефарқ эмаслигимнинг боиси бор эди. Бундан бир неча йиллар муқаддам шоир Рустам Фаниев бир гурӯҳ Ўзбекистонлик ижодкорлар билан Польша республикасида ижодий сафарда бўлиб, кўрганларини видеотасмага тушириб қайтган экан. Ўшанда мен Ўзбекистон телевидениесида намойиш этиладиган дунё халқлари маданияти, санъати билан танишириб борувчи «Мен билан билмаган дунё» кўрсатувини тайёрлар эдим. Фридерик Шопен ва у туғилган Желязова Волядаги уй музейи ҳақидаги ҳикояларни ўз кўрсатувим орқали ўзбекистонлик томошабинларга намойиш этдим (реж. Д. Ўринбоев). Ўша пайтда мени Индонезияга бориш масалам ҳал бўлиб, ҳатто чипталар учун буюртма ҳам бериб қўйилган эди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг бевақт оламдан ўтганлиги ҳақидаги хабарни эшлитиб, шоир туғилган Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Қовунчи қишлоғига таъзияга йўл олдим. Ҳамқишлоқларим оқсоқоллар узоқ сафарга отланганимни эшлитиб йифиадилар. Дуо қиласидар. Шаҳарга қайтгач, ижодий сафарим қолдирилганлигини эшишиб жуда тушкунликка туши.

Шу тушкунлик туфайли Фридерикнинг мураккаб тақдири менга ошино бўлди. Ва «Тасвир» газетасида Шопен ҳақидаги

«Батанига қайтган юрак» номли мақоламни чоп эттиредим. Макола боис поляк дүстүм Михайло билан, сұнгра Себастиан Ожел билан танищдым. Мусиқа кечасига ташрифимнинг боиси ҳам шу эди.

Бу ажойиб мусиқа кечасининг ташкилотчиси Ўзбекистонда хизмат құрсатған артист Нормұмин Султонов булыб оркестрни ёш дирижёр Бобомурод Худойқулов бошқарып борарди.



Ўзбекистонда хизмат құрсатған артист Нормұмин Султонов поляк операсини ижро этмоқда.

Саңна безаклари томошабинлар хаёлини олис поляклар яшаёттан кенг далалар сари етаклайди. Элеонора Котлибулатова (Халқаро конкурслар лауреати, иқтидорли талабалар фондининг стипендати «Ниҳол» мукофоти лауреати, Ўзбекистон маданияти ва санъати «Мehr нури» фонди степенданты) фортепианода Фридрих Шопен «Дон Жуан» мавзусига ёзған асарини 19 минут давомида маҳорат билан ижро этди-ки, томошабинлар уни узок олқишиладилар. Мен томошабинлар қатори уларнинг олқишиларига жүр бұла туриб, иккى аср муқаддам ёзилған бу асар қытъалар оша ўзбек саңнасида ижро этилаётганидан, санъатнинг ўлмас құдратта эга эканлитига амин бұлғандым.

Анжелика Мұхамедзанова Шопен мусиқасига ёзилған «Тонг» құшиғи, сұнгра Анна Герман ижро этган «Шопенга мактублар» құшиғи видеотасмада намойиш этилганида, бир зум томоша-

бинлар нитоҳида йиллар ва асрларга ажратиб турувчи вақт де-ворлари олиб ташланғандай бұлды. Юртошимиз Хивада та-валлуд топған поляк халқининг суюкли фарзанди Анна Герман ижро этган «Мұхаббат садоси», «Нафосат» каби құшиқларни Ўзбекистонда хизмат құрсатған артист Кумуш Рассоқова ижро этганида, унга томошабинлар ҳам жүровоз бұлдилар.

«Польша мусиқаси жавохирлари хазинасидан» номли кечадан катта ҳаяжон билан қайтдим. Агар имкон туғылса, машхур поляк композитори Фридрих Шопен ҳаётига оид рисола ёзиш, ёки фильм тасвирға тушириш унинг мусиқалари асосида кечалар ташкиллаштиришни мақсад қылыштырып көзінде күйдик. Бу борадаги режаларимни қоғозга тушириб Себастиан Ожелга бердим. У «сизнинг бу режаларингизни маъқулаймиз, лекин Варшавадан рухсат келсегина амалға оширамиз», дея айтган сұзи мени бироз үйлантириб қыйди. Бу орада ижодий сафар билан Малайзия мамлакати мустақиллигининг 50 йиллик тантаналаридан қатнашишга мұяссар бұлдым. Қайтгач, Варшава шахридан келған хушхабарни әшитиб орзуларим ушалганидан мамнун ҳолатда қишининг қиравли күнларида Нормұмин Султонов билан учрашувга отландым.

Нормұмин Европа мамлакатларининг жуда күп саңналарыда, шу жумладан Польшада ҳам турли жағон опера санъати клас-сиклари яраттан асарларни ижро этган санъаткор бұлғын, сұхбатдош билан тез тил топа олувчи соддадил, санъатта жонкуяр инсон экан. Асли Қашқадарё вилояти, Косон туманининг Никүз қишлоғиilik бу йигитни Тангри ўзи шу иқтидор билан сийлаган экан. Отаси 80 ёшдан ошган Номозбұва умр бүйи деңқончилік билан машғұл бұлған.

Оиласида санъатта даҳлор бирор киши бұлмаслигига қарамай Нормұминнинг қалбіда бу санъатта мұхаббат қаердан пайдо бўлгани мени ҳайратта солди.

Сұхбатимиз поляк халқининг санъати ҳақида бұлды. «Сизга бир воқеани сұзлаб берай, сұнгра ўзингиз хулёса қиласыз», – дея Нормұмин бундан тұрт йил илгари булыб үтган Шопен мусиқаси ижрочиларини танлови ҳақида сұзлаб берди. – «Биз Фридрих Шопен яраттан мусиқий асарларни ижро этувчиларни саралаш мақсадида Тошкентдаги Успенский номли мусиқа лицейига борган әдик», – дея сұхбатини давом эттиреди. 12 ёшли

Шерзод Турсунов пианинода композитор ёзган асарларни шу қадар маҳорат билан ижро этди-ки, қойил қолмай иложимиз йўқ эди.

Мен уни хориждан келган мөхмонлар, элчихона ходимлари иштирокидаги концертга таклиф этдим. Эҳ, яхшироқ ижрочи топа олмабди, – деган мөхмонлар Шерзод фортепианода Шопен асарларини ижро этгач, уни маҳкам қушиб бағриларига босдилар. Бизнинг Ўзбекистонимизда жаҳон мусиқа дурдоналари маромига етказиб ижро этадиган болалар куплаб топилади. Фақат уларни тарбияси билан муттасил шугулланиб, турилди конкурсларда иштирок эттириб, рағбатлантириб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу борада Польша республикаси элчихонаси ходимлари амалга ошираётган ишлар мақтовга лойиқ. Уларни ташаббуси билан ўтказилаётган кечаларда ўзбек мусиқачилари буюк поляк композитори Фридрих Шопен асарлари ҳам ижро этилади.

Ўзбекистонимизда жаҳон мусиқа санъатининг дурдан асарларини маҳорат билан ижро этадиган мусиқачилар куплаб топилади. Мустақиллик шарофати туфайли улар ўз маҳоратларини жаҳоннинг нуфузли танлов ва фестивалларида намойиш этиб келмоқдалар.

## ОҲАНГЛАР ШОИРИ



*Офелия Юсупова Тошкент Давлат консерваториясининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби*

Буюк поляк композитори Ф.Шопен номи мусиқа санъатида романтизмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. У фортепиано оҳангларининг тенгсиз шоири бўлибгина қолмай, дунё мусиқа санъатида из қолдирган машҳур шахсларнинг энг севимлиси. Бугун ҳам миллионлаб инсонлар қалбида унинг мусиқаларига бўлган соғинч ҳамон яшамоқда. Ф.Шопен фақаттана фортепиано учун асарлар ёзган бўлса-да, у инсон қалбининг энг нозик туйғуларини намоён эта олган.

Рояль композитор учун универсал мусиқа асбоби эди. Унда у, инсон қалбидаги энг сирли кечинмаларни ва улкан драматик зиддиятларни, долзарб муаммоларни баён этарди.

Биргина фортепиано билан бутун бошли оркестр бера олмас мусиқий жарангдорликни, сўз ва товушларда ифода этиб булмас оҳангларни яратди. Буюк пианиночи А.Рубинштейн «Шопен фортепианонинг руҳи ва қалбига айланган», дея таъриф берган эди.

Дунё мусиқа оламидаги каби Ўзбекистонда ҳам Шопен мусиқалари машҳур ва севимлидир. Ўзбекистонга келиб, яшаб ва ижод этган, ўтган асрнинг 30-йилларида Тошкент консерваториясини очища қатнашган тажрибали пианичиларнинг Шопен асарларини тарғиб этишдаги хизматлари бекиёсдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Н.М.Яблоновский, композитор асарларини нозик дид билан ижро этувчи З.Тамаркина, Н.Рохлина, В.Слоним ва бошқаларни таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Улар ўз шогирдларини тарбиялашда дунё классик мусиқаси намояндалари асарлари билан бирга Шопен мусиқасини ҳам чуқур ўргатиб келишганлар. Бошқа маҳсус мусиқа ўкув даргоҳларида бўлгани каби бизда ҳам Шопен асарларини ўргатишга кўп вақт ажратилади.

Мусиқа оламига кириб келаётганларга композиторнинг асарлари устозлик вазифасини ўтайди. Товушларни тўғри танлаш, ижро давомида тўғри нафас олиш, сўзларда ифода эта олмаган тасвиirlарни мусиқада ифодалашни ўргатади.

Қачонки, моҳир ижрочи у билан яккана-якка қолиб, бутун маҳоратини, қалбини унга очса, пианино оҳанглари или тилга киради. Буюк поляк композитори Фридерик Шопен ўз асарларида бутун вужуди билан фортепианога жон бағишилаб, ўз қалбидағи туғёнларини у орқали ифодалай олган. Оддий вальслар, этюдларни бадиий асар даражасига етказа олган. Ана шундай асарлардан бири «Революцион этюд»идир. «Мотам марши»да эса қаҳрамоннинг мағрур жасоратга тўла ҳаёти, сўнгра тушкунлик ва ҳалок булиши ифодасини топади.

Шопен асарлари бизда дарслик сифатида ҳам, маҳорат ошириш учун ҳам мусиқий сабоқ сифатида ўтилади. Бу асарлар мусиқа орқали қалбан чуқур сезиш ва ижрочи қалбини тарбиялаш маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бизда ҳам Шопен мусиқий асарларини қалбан идрок этиб, нозик туйгуларни мусиқада ифода этувчи ёш ижрочилар пайдо бўлди. Шу боис ҳам уларнинг номлари дунёга машҳурдир.

Дунёга машҳур ўзбек пианиночиси Алексей Султонов 16 ёшидаёт Варшавада ўтказиладиган Шопен Халқаро танлов саралаш босқичида (Москва ш.) инкор этиб бўлмас даражадаги ижроси боис ғолиб бўлди. Бироқ ёшлигини баҳона қилиб танловга қўйилмади. Чунки пианиночилар мусобақаси шартларига кўра, фақат 16 ёшга тўлганларгина иштирок этиши қатъий белгилаб қўйилган эди. Орадан йиллар ўтиб, бир неча нуфузли Халқаро танловлар ғолиби сифатида у Шопен танловида иштирок этди ва II ўринни эгаллади. Ўшанда танлов ҳакамлар ҳайъатининг ҳайратланарли қарори туфайли Бош соврин ҳеч кимга насиб этмади.

Ундан сўнг ҳам Шопен асарларини маҳорат билан ижро этувчи ёш мусиқачилар етишиб чиқдилар. Бугун номлари дунёга

танилган Илдор Небольсин, Станислав Юденич шулар жумла сидандир. Бу анъанани консерваториямизнинг ёш мураббийларидан – Халқаро танловларнинг бир неча бор лауреати Сайёра Faфурова, Малайзияда ўтказилган Халқаро Шопен конкурси иштирокчиси, бронза медали соҳибаси – талаба Элеонора Котлибулатова, ҳозирда Москва марказий мусиқа мактабида таҳсил олиш билан бирга Варшавада ўтказиладиган Халқаро Шопен танловига тайёрланаётган Тамила Салимжоновалар давом эттироқдалар.

Ўкув дастуридан композиторнинг қўплаб асарлари ўрин олган. Мусиқий асарларнинг ижро маҳорати, техникасигина эмас, оҳанглар сириласини нозиклигини англаш, қалбан ҳис этиш ўргатилади.

ЮНЕСКО томонидан 1999 йилни «Шопен йили» деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан консерваторияда улкан миқёсдаги «Шопенга гулдаста» («Венок Шопену») фестивали икки ой давом этди. Ижрочилар – маҳсус фортепиано кафедраси талаба ва мураббийлари эдилар. Бу фестиваль ҳақиқий байрамга айланганди.

Концерт мобайнида: ҳар хил жанрдаги миниатюралар, вальслар, этюдлар, вариациялар, тарантелла, ноктюрнлар, полонезлар, мазуркалар, фантазиялар ижро этилди. Балладалар (М.Султонова), скерцолар, сонаталар (И.Роянов ва С.Faфурова), камерли мусиқа (фортепиано учлиги: С.Faфурова, Д.Варелас, О.Юханова, Республика конкурси лауреатлари У.Имомов, Г.Ерошина), қўшиқлар (Г.Ерошина, С.Faфурова), фортепиано учун оркестр билан 2 концерт (С.Faфурова, О.Юсупова, дирижёр К.Усмонов). Фестиваль муваффақият билан ўтганлигини матбуотда кенг ёритилганини ҳам билса бўлади.

Буюк поляк композитори Ф.Шопен таваллудининг 200 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Дунёга машҳур санъаткорларни тарбиялаган консерваториямиз бу санани муносаб кутиб олишга тайёргарликни бошлаб юборган.

Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида Ф.Шопен мусиқалари асосида концертлар ташкил этамиз. Композитор асарлари ижрочиларининг конкурсини ўтказамиз. Энг асосийси яна бир неча кун давом этадиган «Шопенга гулдаста» фестивалига ҳозирлик қўраяпмиз.

Шопен мусиқаларининг гўзали, ёқимили оҳанглари ижрочилар, мухлислар қалбларини қувончларга тўлдириб, ҳаяжонга солища давом этаверади.

Министерство по делам культуры Республики Узбекистан  
Общество дружбы Узбекистан - Польша  
Посольство Республики Польши в Узбекистане  
Союз композиторов Узбекистана, АООТ „Узэлектропарк“  
Ташкентская Государственная Консерватория им. М. АШРАФИ  
Болшиной проспект 1990 год

# ВЕНОНК ШОПЕНУ

## ФЕСТИВАЛЬ ФОРТЕПИАННОЙ МУЗЫКИ

<b>22</b> октября	Полонезы, рондо, nocturnes, колыбельная, сиеро исполнители — студенты консерватории
<b>29</b> октября	Этюды, вариации, тарантелла, nocturnes, полонезы, баллады исполнители — студенты консерватории
<b>5</b> ноября	<b>СОНАТНЫЙ ВЕЧЕР</b> Исполнители — доцент Ильгиз Роянов, участник Международного конкурса Сайера ГАФУРОВА
<b>12</b> ноября	Вальсы, мазурки, экспромт, nocturnes, фантазия исполнители — педагоги консерватории: доценты Гульзаман ГУЛЯМОВА, Инна АБДУЛЛАЕВА Лауреат Республиканского конкурса Сара АСАБАЕВА, Мавина СУЛТАНОВА, Ойбек ПАЛВАНОВ, Гузаль МУСИНА
<b>19</b> ноября	<b>КАМЕРНАЯ МУЗЫКА</b> Исполнители: Дмитрий ВАРЕЛАС, Ольга ЮХАНОВА, Сайера ГАФУРОВА Лауреат Республиканского конкурса Улугбек ИМАМОВ Лауреат Республиканского конкурса Галина ЕРОШИНА
<b>26</b> ноября	<b>ФОРТЕПИАННЫЕ КОНЦЕРТЫ</b> исполнители: Симфонический оркестр Музыкального театра-студии директор — Заслуженный артист Узбекистана профессор Нуванч УСМАНОВ солисты — Сайера ГАФУРОВА, Заслуженный деятель искусств Узбекистана профессор Офелия ЮСУПОВА Начало в 18.00 часов

Концерты АООТ „Узэлектропарк“, АО „Минвода“, АО „Компрессор“,  
Соединительный нефтепроводный завод,  
Нафтогазинский завод „Электротерм“

Информационная поддержка из стороны  
газеты „Ноюнион слава“, газеты „Презид Востока“, газеты „Туркестан“,  
газеты „Ташкентская правда“, газеты „Голос Узбекистана“, газета „Джон“

М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида бўлиб утган «Шопенга гулдаста» номли фортепиано мусиқаси фестивалининг афишиаси.

## «МОТАМ МАРШИ»НИ ТИНГЛАБ

Буюк поляк композитори Ф.Шопен ва унинг асарларини Узбекистондаги тарғиботи ҳақида материал тўплаш мақсадида ҳали консерваторияяга, ҳали А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театрига, ҳали Успенский номидаги Республика мусиқа билим юртига қатнаб, кунларим ўтди. Шу зайлда йилини қандай ўтганларини ҳам сезмай қолибман. Баъзан тушкунликка тушиб қолганимда, бу йил оламдан ўтганларни хаёлимдан ўтказаман. Жаҳон адабиётида ўзининг дурдона асарларини қолдирган Чингиз Айтматов, Россиянинг виждони Солженицин, юртимизнинг машҳур кулгу устаси Ҳожибой Тожибоев, дўстимиз Ҳошимжон, сухандон, умидли хонанда Дилдораҳон, болалиги ниҳоясига етмаган Нигораҳон... Сен билган ва атрофингдаги одамлар энди бу оламда йўқ эканлигини ҳис этиб, изтиробли ҳолатга тушиб қоласан.

Чингиз оға оламдан ўтган куни Рӯзибай исмли дўстим ёзувчи қолдирган дастхатни кўрсатар экан, «Бугун от-уловлар, кийиклар, тогу-тош, дарёлар йиғлаган кун» – дея кўнглидаги маҳзунликни изҳор этган эди...

Мен консерватория пиллапояларидан юқори қаватга кўтарилаар эканман, ўзимни даҳшат қаърига олиб кираётганимни ҳали ҳис этмагандим. Мусиқа эшиши хонасида, хушрӯйгина қиз мени очиқ чехра билан кутиб олди. Мен қиздан Ф.Шопеннинг «Мотам марши»ни эшилтиришни илтимос қилдим. У мусиқа бундай аталмаслигани аслида композиторнинг сонаталаридан бири эканлигини тушунтирди. Қулогимдаги наушниқдан тараётган мусиқа ўтган даҳшатли кунларни ёдга sola бошлади.

Ана аскарлар тизилган катта майдон, ҳамма сукутда. Қора ҳошия билан боғланган түғ (байрок)лар ерга қаратилган. Ҳарбий оркестрнинг мунгли мусиқаси янграйти. Майдон узра тобутлар кўтариб ўтилади. Кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёшлар қотиб қолган. Юпанч учун гудакка айтиладиган «Алла» оҳангини эслатувчи, жанговар дўстлар билан видолашув оҳангি...

Бу оҳанг қулоғингдан кириб, бўғзингни буғади. Ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, рус, латиш, эстон, қўйингчи, барча миллат болаларига бу оҳанг бирдай таъсир қиласди. Эҳ, қани энди шу мусиқани эшиитмасак эди, – дея юраклари қинидан чиқаёзган, қулоқларини беркитиб олган аскарларни кўп кўрганман. Ерга урса осмонга сапчийдиган шўх йигитлар, икки-уч кунда мусиқа таъсирида ювони болаларга айланиб қолганини кўрсак ҳам, ўзимиз бу воқеаларни шоҳиди бўлганимиз учун буни табиий ҳол, деб билардик. Бизга бу мусиқа бир кун эмас, бир кун инсон бу дунёдан ўтишини, ўлимнинг ҳақ эканлигини ёдимизга солар эди.

Орадан йиллар ўтиб, бу буюк поляк композитори Ф.Шопеннинг II сонатасининг З-қисми, яъни «Мотам марши» эканлигини билдим.

Сонатанинг 4-қисмидаги ижро этиладиган мунгли, сокин оҳангларни тинглаган машҳур пианиночи А.Рубенштейн унга қўйидагича баҳо берган эди: – «Бу оҳанглар худди қабр узра эсаётган майин шаббода ва баҳорий майсалар тебранишини ёдингизга солади».

Машҳур «Мотам марши».

## ШОПЕНЯНА

Ўзбекистон миллий энциклопедияси *Давлат илмий-нашириёти*. Тошкент – 2005 йил.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида буюк поляк композитори ҳақида шундай ёзилган. Шопеннинг халқчил ватанпарварлик, романтик ижоди поляк мусиқасини жаҳонга танитиди. Ноёб ижрочилик маҳоратига эга бўлган Шопен фортепиано мусиқасининг ифода ва техник имкониятларини кенгайтирди, миллий оммабон раҳс (полонез, мазурка) шаклларини бадиийлаштириди. Энг нозик руҳий жараёнлар акс этган, айни пайтда кучли драматик ривожга эга бўлган асарлари барча овозлар куйчанлиги, гармониянинг ўзига хослиги ўзгаршиларга бой ва композицион мукаммал ривожи билан ажralиб туради. Фортепиано учун 2 та концерт, 3 сонатасида Бетховен симфонизми анъаналарини давом эттириди. Скерч, чолгу баллада, этюд, прелюдия ва ноктиюрнларни мустақил бадиий тугал асарлар даражасига кўтарган. Ўзбекистонда Шопеннинг барча асарлари педагогик ва концерт репертуарларидан ўрин олган. Навоий театрида «Шопеняна» балети саҳналаштирилган.



Ўзбекистон санъат арбоби  
Кўрқмас Соатов

1942 йили Иккинчи жаҳон уруши Кўрқмас аканинг отаси Обиджон акани ҳам ўз домига тортиб кетди. Бева қолган Шарифахон ая ўғли Кўрқмасни билимли бўлсин дея, болалар уйига топшириди. Ўзи эса Раънохон исмли жажжи қизалоги билан қолди.

Тошкентдаги Зта болалар уйидан 30 нафар болани автобусга ўтқазишиб, консерваторияга олиб келишиди. Ўшан-

да Академик театр учун иқтидорли болалари саралаб олиш керак эди. Беш чоғлик болагина бу кўриқдан ўтди. Кўрқмас ҳам шулар сафида эди. Унинг бир умрлик тақдир йўли шундай бошланганди.

Кўрқмас ака Тошкентда таҳсил олгач, Москва шаҳрида ма-лака ошириб қайтди. Сўнгра Тошкент хореография билим юртини бошқара бошлади.

Жаҳон классиклари асарларига мурожаат қилиш анъанага айланётган пайти эди. Халқаро танловлар, фестиваллар шарти ҳам шундай эди-да.

Хореографиянинг бешиги сифатида танилган ленинградлик таниқли педагог Нина Александровна Фёдорова Тошкентга келиб болаларни Халқаро фестивалга тайёрлай бошлади. Улар Михаил Фокиннинг «Шопеняна» асарини Тошкент хореография билим юртида саҳналаштира бошлади. Ўша даврларда ҳеч ким бу асарни саҳналаштиришга жазм эта олмасди. Сабаби қарийб яrim соат давом этадиган саҳна асарида буюк поляк композитори Фридрих Шопеннинг мазурка, полонез, ноктурн ва 7 вальси ўрин олган бўлиб, ижрочилар саҳнада воқеаларни акс эттириш керак эди. 24 ижрочи қизлар ва 1 йигит иштирок этадиган асар жуда кўп машақкатлар эвазига саҳна юзини кўрди.



Ф.Шопен асарлари асосида саҳналаштирилган  
«Шопеняна» балетидан лавҳа.

Ўша даврларда Ленинград (Санкт-Петербург) шаҳрида «Оқтунлар» («Белый ночи») фестивали ўтказилиб туриларди. Тошкент хореография билим юрти фестивалда поляк композитори Фридрик Шопен асарига қўйилган «Шопеняна» балети билан иштирок этди. «Шопеняна»ни Санкт-Петербурглик томошабинлар олқишилар билан кутиб олди. Уларнинг маҳорати «Мовий Нева» мукофоти билан тақдирланди.

Фестиваль ниҳоясида Октябрский мусиқа мактабининг директори Кўрқмас аканинг олдига келиб табриклар экан, келгуси йиля ўтказиладиган фестивалга таклиф этиб, барча сафар харажатларини ўз зиммасига олди.

– Бугун «Шопеняна» асарида иштирок этганлар дунёдаги таниқли артистларга айландилар. Ўзбекистон Халқ артисти Замира Давлатмуродова фикримизнинг далили. 1974–75-йилларда Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида балетмейстер бўлиб ишлаб юрган кезларим шу асарни театр саҳнасига олиб чиқдим, – дейди Кўрқмас ака.

Қ.Соатов буюк поляк композитори Шопеннинг асарига ўз эҳтиромини билдириб, шундай дейди, – «Шопеняна» буюк расом (Микеланжело, Леонардо да Винчи) чизган ҳаётнинг тасвирига үхшайди. Бу асарда даврлар девори олиб ташланиб, композиторнинг мусиқалари остида жонланади. Шунинг учун ҳам уни ҳамма саҳналаштиравермайди. Унда мусиқанинг тасвир билан ифодаси ҳамоҳанг бўлсагина, томошабин лол қолиши мумкин.

## ИСТЕДДОЛАР МАСКАНИ



Тошкент шаҳар В.А.Успенскийномидаги маҳсус мусиқа академик лицейида буюк композитор Ф.Шопен асарлари тажрибали мутахассислар томонидан ўқувчиларга ўргатилади. Шу боис лицей ўқувчилари дунёнинг нуфузли мусиқа танловлари, фестивалларида шитирок этиб, совринлар олиб қайтмоқда. Бу ҳақда лицей директори, педагогика фанлари номзоди, «Дўстлик» ордени соҳибаси Д.А.Жамолова билан сұхбатлашидик.

Савол: – Дилдора Абдувоҳобовна сиз раҳбарлик қилаётган маҳсус мусиқа академик лицейи мамлакатимиздаги нуфузли мусиқа билим даргоҳларидан бири саналади. Мусиқани англайш, оҳангларнинг сеҳрли оламига қадам қўйиш ҳам болаликдан бошланади.

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси олдида бундан кейинги ривожланиши йўлларини танлаб олиш миллий ўзига хослик ва универсаллик мутаносиблиги анъанавийлик ҳамда замонавийлик каби абадий муаммони янгича ҳал этиш масаласи пайдо бўлди. Маънавий-маданий соҳадаги сиёсий йўналишлар орасида анъаналар ворисийлиги, миллий-маданий меросни сақлаш, ундан моҳирона фойдаланиш ва уни бойитиш етакчи ўрин тулади. Болаларни мусиқанинг сеҳрли оламига олиб кириш ҳам осон, ҳам жуда мураккаб. Осонлиги болаликда берилган илм тошга ёзилган нақшдек бўлса, мусиқада эса туғма истеъдод ҳам бўлиши керак. Биз нафақат миллий мусиқа меросимизни, балки жаҳон мусиқасининг дурдона асарларини ҳам болаларга ўргатиб борамиз.

Савол: – Дунё мусиқига меросига ҳурмат билан қараётган,

сиз таъкидлаганингиздек, жаҳоннинг нуфузли ҳалқаро мусиқа танловларида шитирок этиб, совринлар олиб қайтаётган юрт болаларининг шундай түгма иқтидорга эга бўлишининг сабаблари нимада?

Жавоб: – Тарихга бир назар ташласак, атоқли композитор ва этнограф В.А. Успенский «Шошмақом»ни ўрганиб, кўплаб ўзбек ҳалқ мусиқаларини биринчилар қаторида нотага тушириб аждодларимизнинг бой меросини авлоддан-авлодга этиб бориши учун хизмат қилган фидойилардандир. Давлатимиз унинг ўзбек ҳалқи санъати тарихига қўшган улкан ҳиссасини юқори баҳолаб, номини мусиқа билим юртига қўйиши, ийлар ўтиб, истеъдод эгалари унинг номини бутун дунёга танитишни В.А.Успенский ўйламаган бўлса керак.

Шарқда қадим замонларданоқ, мусиқий тарбияга алохида эътибор билан қарашган. Айниқса, мусиқанинг сўз билан, шеърият билан уйғулашган ҳолдаги кучли таъсирини нозик ҳисстишган. Биргина мисол келтирайлик. «Қобуснома» муаллифи Кайковус шундай ёзади: «Ҳамма вақт оғир йўл (мақом)ларни чалаверма ва ҳамма вақт енгил йўлларни ҳам чалаверма, чунки барча йўлни бир хилда чалмаслик керак, негаки, одамларнинг ҳаммаси бир хилда эмас, табиатлари ҳам бир-бирларига мувофиқ эмас, чунки ҳалқ хилма-хилдир. Шунинг учун мусиқа илмининг устозлари мусиқа асбобларига шундай тартиб бергандарки, аввал подшоҳлар мажлиси учун ҳисравона достонлар тузганлар, ундан кейин вазнсиз бир оғир йўл туздиларки, уни мақом билан айтса бўлади, унга оғир йўл деб ном бердилар. Бу йўл кексаларнинг ва ақлли одамларнинг табиатига мос келади. Бу йўлни шундай қавм учун яратдилар. Сунгра устозлар кўрдиларки, ҳалқнинг ҳаммаси қари ва жиддий кишилар эмас. Шунинг учун йигитларга мослаб бир йўл ишлаб чиқдилар. Сунгра енгилроқ вазнли шеърлар учун енгил йўллар туздилар, буларга «хаифиф» деб ном қўйдилар. Оғир йўлдан сўнг бу хаифиф йўлни чалдилар, мусиқачилар бундан қарилар ҳам, йигитлар ҳам баҳраманд бўлсинлар, деб ўйладилар. Сунгра ёш болалар ва ёқимли табиатли одамларнинг баъзилари бебаҳра қолдилар. Бу қавм учун таронани ишлаб чиқдилар, токи бу қавм ҳам баҳра олсинлар, роҳат қилсинлар, чунки ҳамма вазнларнинг орасида таронадан ёқимли вазн йўқдир. Демак, буларнинг ҳаммасини

бир хил қилиб чалмагил, бир хил қилиб куйламагин, мен айтгандек чалгил. Демак, бутун халқ, сенинг созингдан, овозингдан баҳраманд бўлсин» («Қобуснома», 97-бет).

Қўриниб турибдики, бу ўринда куй ва қўшиқнинг инсон табиатига, унинг ёши хусусиятларига чамбарчас боғлиқ эканлиги, шу хусусиятлар эътиборга олинса, мусиқа ва қўшиқнинг инсон руҳиятига кучли ижобий таъсир кўрсатиши эътироф ва таъкид этилмоқда. Умуман, мусиқа ва шеър бир япроқнинг икки томонидир. Уларни бир-бирларидан айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Шеър мусиқага жон ато этади. Мусиқа эса шеъриятга қанот беради.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида мусиқанинг бекиёс ўрни ва аҳамиятини мутафаккирларимиз Ибн Сино, Абу Наср Форобий, А. Навоий, З. Бобур ижодларида ҳам кўриш мумкин. Бугунги мустақил Ўзбекистонимизнинг фарзандлари асрлар давомида боболар қолдирган мусиқа хазинаси меросининг чинакам ворислариdir.

**Савол:** – Бўгун Ўзбекистон мусиқа санъатини бутун дунёга танитиши, қолаверса, жаҳоннинг машҳур композиторлари ижодини ўрганиши, хусусан поляк композитори Ф.Шопен асрларини ўқув-дарслик сифатида ўтиши борасида.

Жавоб: – Фортепиано дарсларида ўқувчиларимизнинг энг севиб ижро этадиган мусиқалари буюк поляк композитори Ф.Шопеннинг асрлариidir. У яратган вальслар, фортепиано учун концертлар, этюдлар, мазуркалар, ноктюрн, прелюдияларни тажрибали устозлар ўргатишади. Ўқувчиларимиз болалар ва ўсмиirlар ўртасида ўтказиладиган Халқаро Шопен танловларида иштирок этиб, совринлар билан қайтмоқдалар. Шу йилнинг ёзида Руминиянинг пойтахти Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган «Про Романия» мусиқа фестивалида Нодира Дадамуҳамедова Шопен асрларини ижро этиб, Руминия, Япония, Россия, Корея, Молдова, Литва каби ўнлаб мамлакат ёш мусиқачилари ичида биринчи ўрин соҳибаси бўлиб қайtdi.

**Савол:** – Мавриди келганда билим юрти талабаларининг халқаро мусиқа танловларидағи шитирокини ёдга олиб ўтсан.

Жавоб: – Биргина Алексей Султонов (мархум) Варшавада ўтказилган Шопен асрлари ижроилари танловининг совриндори, Эстониянинг Нарва шаҳрида болалар ва ўсмиirlар ўртаси-

да ўтказилган Шопен асрлари танловида Н.Дадамуҳамедова ғолиб бўлганлигини айтишнинг ўзи кифоя эмас. А.Султонов (Варшава, АҚШ, Турин), И.Небольсин (Испания), Алия ва Галия Бекирова (Германия), Ф.Хусанов (Англия), Н.Хошимов (Германия, Россия, АҚШ), С.Юденич (АҚШ), И.Гулзарова (Швеция), Л.Аstonova (Москва), Д.Измаилова (Германия) Халқаро Шопен конкурсларида фахрли ўринларни эгаллаб қайтишган. «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» деб номланган китобни вараклар экансиз, ундан ўрин олган ёшларнинг аксарияти билим юртимизнинг талабалари эканлигига кўзингиз тушади.



Билим юрти талабаларидан бир неча нафари «Нихол» мукофотининг совриндорлариidir.

Шу ўринда қатор халқаро танловлар ғолиблари Гулнора Алимова, Сайёра Ғафурова, Элеонора Котлибулатова, Гулрух Шокирова, Гулнора Мирзахўжаева, Васила Умарова, Беҳзод Абдуллаев, Темур Еникаев, Катерина Артюнова, Феруз Ҳайдарова, Станислав Умаров, Яира Матёкубова, Динара Шахриддинова, Азиза Содикова каби иқтидорларни тилга олиб ўтиш лозим. Улар жаҳон мусиқа оламида мустақил Ўзбекистон байроғини биринчилардан бўлиб кўтарган истеъдод соҳиблари дидир.

**Савол:** – Ўқувчиларнинг халқаро мусиқа танловлари, фестивалларида иштироки, албатта устозларга боғлиқ. Жаҳон мусиқа санъатини яхши тушунивгина қолмай, уни ўқувчиларга ўргата оладиган маҳоратли мутахассисларни топиш осон эмасдири?

Жавоб: – Бизда малакали мутахассисларнинг кўплиги ҳам баҳтимиз, ҳам билим юртимизнинг обруйи. Билим юртимизда малакали мутахассисларнинг сабоқ бериши кўп йиллик анъана га айланган. Ўқитувчиларимиз фидойилиги, ўз касбига бўлган садоқати, болаларга нисбатан меҳрибонлиги билан танилган. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ҳозирда улуғ ёшларига қарамай (80 ёш), хизмат қилаётган Т.А. Попович, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М.Н. Зайко, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими А.А Ким, Л.Р. Флорентьевна, Л.А Мухитдинова, Т.Н. Сотникова, Е.С. Гелбух, Д.С. Сабуров, И.Т. Фаниев, Х.Н Қодирова, Г.А. Золотых, Г.Х. Умарова, Г.В. Умарова, В.А. Черномор, Г.К. Тошпӯлатова, Е.У. Мамажонова, М.С. Глазинская сингари жонкуяр ўқитувчиларимиз шу даргоҳда кўп йиллардан бери ишлаб, кўплаб муносиб шогирдлар тайёрламоқдалар.

**Савол:** – 2010 ийли буюк поляк композитори Шопен таваллудининг 200 йиллиги кенг нишонланади. Ўрта Осиё мамлакатлари ичida муболага бўлмаса, ижоди энг кўп ўрганиладиган мусиқа билим юртингизда ушибу композиторнинг юбилейини қандай күтиб олмоқчисизлар?

Жавоб: – Биз мусиқа билим юртимизда буюк поляк композитори Ф.Шопен таваллудини ўзгача қувонч билан кутяпмиз. Композитор асарлари конкурсини ташкил этиш ниятидамиз. Қолаверса, кейинги йили Нарва (Эстония) шаҳрида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Халқаро Шопен асарлари танловида иштирок этиш учун тайёргарликни бошлаб юборганмиз.

## МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН



2006 ийл Эстониянинг Нарва шаҳрида ўтказилган Халқаро Шопен танлови, 2008 ийл Бухарестда ўтказилган ёш пианиночилар Халқаро танлови ғолибаси Нодира Дадамуҳамедова.

Эстониянинг Нарва шаҳрида Халқаро Шопен фестивалини ўтказиш анъанага айлангани, буюк композиторнинг асарларини болалар ва ўсмирлар ўртасида оммалашиб бораётганидан далолатdir. Фестивалнинг ўзига хос конкурс тарзида ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчиларнинг ижро этган асарлари тасвирга туширилиб юборилади. Ҳакамлар ана шу видеотасвирларга қараб, иштирокчиларни танлайдилар. Танлов низомига кўра 12 мамлакатдан 20 га яқин қатнашчи саралаб олинди.

Швеция, Россия, Литва, Украина, Эстония, Польша, Финляндия, Бельгия, Хитой, Ўзбекистон каби мамлакатларнинг ёш пианиночилари Шопен мусиқий асарлари танловида иштирок этдилар. Қўрик шаклида ташкиллаштирилган танловда МДҲ мамлакатларининг Москва, Санкт-Петербург, Минск, Таллин шаҳарларининг ихтисослаштирилган мусиқа мактаблари ёш ижро чилари ҳам бор эди. Уларнинг иштироки фестивалнинг нуфузини белгилаб турарди.

Шопен Халқаро мусиқа танловининг ҳакамлари финландиялик Ҳамса ал-Вадий, польшалик профессор Карол Радзивинович, эстониялик Лилнан Семпер, литвалик Люцля Драсутеке каби дунёга таниқли мусиқашунослари эдилар.

Ёш пианиночиларнинг Нарвада ўтган танлови нуфузли халқаро ижодий қўрик-мусобақалардан бири ҳисобланади. Буюк поляк композитори, моҳир пианиночи Фридрик Шопен хо-

тирасига багишиланган танлов олтинчи маротаба ташкил этилиши эди. Нодира танловнинг биринчи босқичида Ф.Шопеннинг иккита асарини ижро этди. Иккинчи босқичда аввал улут композитор Бахнинг машхур асарини, сўнг шартга кўра Шопеннинг иккита мумтоз куйини қойилмақом қилиб чалиб берди. Бу танловга хос хусусият шундаки, унда барча гуруҳлар бўйича учта мукофот ва Гран-при берилади. Нодирага Франциянинг Эстониядаги элчиси, шунингдек, танлов ҳайъати аъзоси польшалик профессор Карол Радзивиновичлар ҳам ўз совринлари ни топширишди.

Танловнинг низомига кўра мусиқачилар баҳсининг иккинчи турида учала мукофотли ўринар ҳам фақат биттадан ижрочига бериладиган бўлди. Нодира иштирокчилардан 2–3 ёп кичик бўлишига қарамай совриндор бўлди. Ўзбекистон фортепиано мактаби довруғини дунёга танидти ва совриндорлар сафида Таллин шаҳри филармониясининг катта залида, турли мамлакатларнинг шу ердаги элчилари иштирок этган Халқаро Шопен конкурси ғолибларининг ҳисобот концертида қатнашди.



Нодира Нарва шаҳрида ўтказилган Халқаро Шопен танлови ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳамса ал-Вадий ва устози Алла Ким билан.

У танловда II ўринни олиш билан биргаликда ҳакамлар ҳайъатининг маҳсус соврини билан ҳам тақдирланди. Польшалик профессор Карол Радзивинович бу мукофотни топширад экан, ўзбек қизи Нодиранинг Шопен мусиқаларига муҳаббати, ижро маҳорати, мусиқий жарангдорлигининг самимийлиги учун унга миннатдорчиллик изҳор этди. Ҳакамлар ҳайъатининг раиси Ҳамса ал-Вадий хоним ҳам унинг ижро маҳоратига юксак баҳо бериб Финландияга таклиф этган эди.

Нодира билан суҳбатлашиш учун мусиқа билим юртига кириб борганимда ҳамма концерт залига ийғилган, саҳна ўртасидаға фортепианони олдига бир қизча яқинлашиб, уни рамзий маънода чалиб, таъзим билан буюк поляк композитори Ф.Шопен асарларини ижро эта бошлиди. Сукунатда фақат мусиқа товуши эшишиларди. Ижродан сўнг у қўлида гулдаста билан саҳнадан тушиб онаси ва устози Алла Ким олдига яқинлашди.

Мен қизчага қараб турибману, кўнглимдан бир савол ўтади. Ўзбек қизалогининг қалбида шунчалар меҳр ўйғота олган поляк композитори асарларининг сири нимада экан? Одамларни бир зум ҳаётнинг турли ташвишларини унутиб, хаёлот дунёсига олиб киравчи оҳанглар сеҳрининг қудратимикан ё?

– Мен Ф.Шопен асарларининг барчасини меҳр билан ижро этишга ҳаракат қиласман, – дейди Нодира Дадамухамедова.

Нодира Халқаро миқёсдаги (болалар ва ўсмиirlар) мусиқа танловида биринчи бор муваффақият қозонаётгани йўқ. У 2003 йилнинг ноябрида ёш пианиночиларнинг Марко Поло (Греция) шаҳридаги Халқаро танловда, сўнг Париж (Франция) шаҳрида ташкил этилган нуфузли Халқаро танловда биринчи ўринни қўлга киритган. Яқинда Бухарестда ўтказилган ёш пианиночилар мусиқа танлови ғолиби бўлиб қайтди. Унинг бу ютуқларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Алла Кимнинг муносиб ҳиссаси бор.

Композитор Ф.Шопен ҳаёти ва ижоди билан ўзбек халқини таништириб борган газета ва журналлар



Косимжон Сўниев Андижон вилоятининг Асака туманида туғилган. Тоиду (хозирги М.Улугбек номидаги Узбекистон Миллий университети)нинг Журналистика факультетини тамомлаган. Матбуот саҳифаларида дунё мамлакатларининг маданияти, санъати, тарихига оид очерк, мақола ва корреспонденциялари билан шиширок этиб келади. Дунёнинг бир неча мамлакатларида бўлиб, Узбекистон телевидениесида «Мен билган, билмаган дунё» дастури орқали ҳикоя қилиб берган. У Халқаро туркӣ халқлар фестивали (Туркия), Одесса, Минск шахарларида ўтказилган телевизион фильмлари фестивалларида қатнашиб, совриндор бўлган.

\* \* \*

Буюк поляк композитори Ф.Шопен ҳақидаги рисолани илк бора ўзбек тилида ўқийсиз. Композитор асарлари мусиқа мактабларида, консерваторияда кенг ўрганилади. Шу боис Узбекистондан Шопен асарларининг машҳур ижрочилари етишиб чиқкан.

Биз ушбу китобни тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Польша Республикасининг Узбекистондаги элчихонасига, А.Навоий номидаги Академик театрга, Навоий номидаги Давлат кутубхонасига, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси, Успенский номидаги республика маҳсус мусиқа лицеей ходимларига миннатдорчилик билдирамиз.

\* \* \*

Эта книга о жизни и творчестве великого пианиста и композитора Ф.Шопена, которая издается впервые не только в Узбекистане, но и в Центральной Азии. Произведения Ф.Шопена вот уже больше полувека считаются учебным пособием в музыкальных школах, лицеях и консерваториях. Играя произведения Шопена, пианисты Узбекистана получили мировую известность...

В книге использованы стихи великого мыслителя Востока Алишера Навои и известного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа.

Автор этой книги выражает искреннюю признательность за предоставленные материалы Посольству Польши в Республике Узбекистан, ГАБТ им. А. Навои, Государственной библиотеке им. Навои, Государственной консерватории им. М. Ашрафи, Республиканскому музыкальному лицею им. Успенского.

## МУНДАРИЖА

Сузбоши.....	3
Муқаддима ўрнида.....	4
Поляк халқининг буюк композитори Ф.Шопен (1810 – 1849).	
Болалик. Ўсмирилик. Ёшлик .....	5
Бир севги тарихи .....	20
Фридерик Шопен: «Унинг оғушида ўлмоқчи эдим...» .....	20
Вужудга сифмаган юрак. Р.Ғаниев .....	28
Шон-шуҳрат ёғдуси остида: Мактубларда қолган андуҳлар .....	30
Шопен мусиқасининг жозибаси .....	33
Ватанга қайтган юрак .....	38
Ватаним .....	40
Севишганилар ибодатхонаси .....	46

## ШОПЕН ВА ЎЗБЕКИСТОН

«Польша мусиқаси жавоҳирлари хазинасидан» .....	55
Оҳанглар шоири .....	62
«Мотам марши»ни тинглаб .....	66
Шопеняна .....	68
Истеъоддлар маскани .....	71
Мен ўзбек қизиман .....	76

Қосимжон СҮПИЕВ

## ФРИДЕРИК ШОПЕН АСАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Муҳаррир: С.Сафаева, Р.Ғаниев

Маслаҳатчи: С.Ожел

Рассом: В.Егиян

Дизайнер: А.Тиллахўжаев

Чоп этишга 28.10.2008 йилда рухсат этилди. Palatino гарнитураси.  
Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Шартли босма табоби – 4,65. Нашр б.т. 5,0. Буюртма  
рақами №37. Адади 700 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«NOSHIR» нашриёти. 100129, Тошкент шаҳар, Навоий кӯчаси, пастки  
савдо расталари.

«NOSHIR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Навоий  
кӯчаси, пастки савдо расталари.

ISBN 978-9943-353-05-3

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-353-05-3.

9 789943 353053